



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 10-oktabr • №41 (4284)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Андижонликлар янгиликларга интилувчан, меҳнатсевар ва яратувчан халқ. Кўни кеча муҳтарам Президентимиз вилоятимизга ташриф буюриб, ижтимоий-иқтисодий ва қишлоқ хўжалик соҳаларида амалга оширилаётган ишлар билан танишар экан, вилоят фаоллари билан суҳбат чоғида мустақиллик йилларида вилоят аҳли ҳар жабҳада пешқадамликни қўлдан бермай келаётганини алоҳида эътироф этди.

Юртбошимиз вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси тубдан ўзгариб, обод бўлиб, аҳолининг турмуш даражаси тобора юксалиб бораётганини таъкидлаб, фермерлар билан учрашганлари, улар билан қизгин суҳбат курганлари, одамларнинг онг ва тафаккури ўзгариб бораётганига эътибор қаратганлари барча андижонликлар қалбига фахр-ифтихор бағишлади.

Андижоннинг қиёфаси кундан кунга ўзгариб бормоқда. Юртдошларимиз улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган шаҳар кўчаларини бироз муддат кўрмаса, таний олмай қолаётганини фахрлиниб гапирдилар. Истиқлол ва Миллий тикланиш кўчалари кейинги икки йил давомида тубдан янги қиёфа касб этди. Эски бинолар ўрнида ўнлаб янги бино ва иншоотлар қад ростлади. Янги шаҳар ҳудудидаги Бобур шоҳқўчасига туташ ҳудудда жойлашган Истиқлол кўчаси пиёдалар сайлгоҳига айланиб ҳар жиҳатдан обод

бўлди. Ўзаро кесишиб, ажиб мажмуа ташкил этган бу кўчаларда юздан ортиқ кўп қаватли, замонавий ва миллий дизайнли бинолар барпо этилди. Уларнинг аксариятида кичик бизнес ва тадбиркорлик, хунармандлик, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган. "Дилноз", "Анда жон", "Наврўз" каби кошоналар, кўплаб банкларнинг янги бинолари, ўнга яқин китоб дўконлари шаҳримиз кўркини очиб юборди.

Юртбошимиз уста деҳқонлар, тадбиркорлар истиқомат қилаётган Олтинкўлга бу галги ташрифи чоғида ҳам туман аҳолининг яратувчанлик, бунёдкорлик ишларига, қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган ютуқларга алоҳида эътибор қаратди.

— Президентимизнинг самимий сўзлари, бизга билдирган юксак ишончи кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўлди, — дейди ҳаяжон билан Ўзбекистон Қҳрамони, уста деҳқон Сиёсатхон Абдуллаев. — Менинг учун озод юртимнинг бир

фарзанди сифатида бор куч-ғайратим билан меҳнат қилиб, Ватанимизнинг ёруғ истиқболини яратишга ўз ҳиссамни қўшишдан ўзга олий мақсад йўқ.

— Президентимиз Бадий галереямиз жойлашган кўчага келиб, замонавий иншоотлар халқимизга хизмат қилсин, деганлари қалбимда янги ғоялар туғилишига тўртки бўлди, — дейди хунарманд рассом Лена Колядова. — Ушбу ихчам галереяда мен ҳам ижод қиламан, ҳам ёшларга рассомлик сирларини ўргатаман. Шу билан бирга тадбиркор сифатида асарларимни сотиш имконига эгаман. Шу кўнчага миллий хунармандлик ва рассомлик йўналишида яратган ижод намуналаримни Германия, Россия, Англия, Чехия, Молдавия, Корея, Хитой каби мамлакатлардаги санъат мухлислари сотиб олдилар. Бу ютуқларимнинг барчаси мустақиллик шарофати, Президентимиз биз хунармандларга яратиб берган имкониятлар туфайлидир.

Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи юртдошларимизни улуғвор мақсадлар, янги-янги ташаббусларга илҳомлантирди. Зеро, юртимизни янада ободонлаштириш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга ҳисса қўшиш, она Ватанга сеvgи ва садоқат билан хизмат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Хуршида ҚўҚОРОВА,
Ёзувчилар уюшмаси
Андижон вилоят бўлими раҳбари



МАНГУБЕРДИЛАРИ МАНГУ ХОРАЗМ

2-4 октябр кунлари Самарқанд шаҳрида БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси бўлиб ўтди. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо давлатлар вакиллари, АҚШ, Буюк Британия, Испания, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Миср,

Ўзбекистон ва жаҳон

Сингапур каби қирқдан зиёд мамлакатлардан юз элликдан ортиқ мутахассислар, халқаро туризм ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этган ушбу халқаро форум Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори тобора ошиб бораётганининг яққол тасдиғи ва мамлакатимиз улкан сайёҳлик салоҳиятининг яна бир бор эътирофи бўлди. Бу форум хорижлик сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни

кенгайтириш ва янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб, жаҳоннинг етакчи экспертларига халқаро туризм бозорининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр ва тажриба алмашиш, соҳадаги янги тенденциялар ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини яратди. Ана шу анжуманининг бевосита давоми сифатида 6-8 октябр кунлари мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган "Ипак йўлида туризм" Тошкент халқаро сайёҳлик кўргазмаси жаҳон сайёҳлик бизнеси вакилларига соҳа юзасидан ўзаро тажриба алмашиш, ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш, янги лойиҳаларни жамоатчилик эътиборидан ўтказиш ва соҳага оид муҳим йўналишларни белгилаб олишда катта аҳамият касб этди.

Давоми иккинчи саҳифада.

КОМИЛ ИНСОН ТАЪРИФИДА

Кўра, улар учтадир: биринчиси, тавозуъ — камтарлик, камсўқумлик; айниқса, бу хислат амалдор ва бой-бадавлатларда бўлса, янада фазилатлидир. Тавозуъ яхши, аммо яхшироқдур. Агар даяб этса онг аҳли давлат. Дарҳақиқат, камтарлик жуда яхши фазилат. Камтарлики давлатмандлар ўзларига одат қилиб олсалар, бу янада яхшироқдир.

Иккинчиси афв — кечирувчанлик. Ўзгаларнинг айб ва

Навоийни ўрганиш

хатоларини бағрикенглик ва оқиллик билан чин юракдан кечира билиш — афв. Тангри банданинг бисёр гуноҳларини кечирар экан, инсон ўз биродарининг са-ноқли гуноҳларини кечиршига қодир эмасми? Бу борада ҳам афв этувчи улуғ киши бўлса, янада гўзалроқ, нур устига нурдир.

Эрур ҳам афв хубу хуброқ ул — Ки зоҳир бўлғай эл топқанда қўлрат. Учинчи эзгу хислат — атоҳада, эҳсон, моддий ёрдам). Навоий асарларида ато-эҳсон барча инсоний хислатларнинг энг сараси сифатида талқин этилади. Ато қилишда — элга эҳсон қилишда ҳали ҳеч ким Алишер Навоийга етолмаган, десак муболага бўлмас. Чунки у ўз даромадларининг асосий қисmini ато-эҳсонга, жуда оз қисmini-гина шахсий эҳтиёжларига ажратган.

Ато-эҳсон шундай яхши фазилатки, ато қилган киши зинҳор ўз яхшилигини миннат қўлмаслиғи керак. Миннат қилинса у чоқ эҳсон савоби йўққа чиқади.

Хуллас, даҳо шоир тўрт байтли китъада комил инсон-ким ва унда қандай хислатлар жамулган бўлмоғи лозимлигини айтиб қўйган. Навоий тасаввурдаги комил инсон тимсолини бир кўзгу деб тасаввур этайлик ва шу кўзгуга ўз феъл-атворимизни солиб кўрайлик.

Ваҳоб РАҲМОНОВ

ОНА ТАБИАТ КҮЙЧИЛАРИ

Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамлашида маданий-маърифий тадбирларнинг алоҳида ўрни бор. Жумладан, халқаро санъат анжуманлари, кўргазмалар, биеналелар бу борада муҳим аҳамиятга эга. Кўни кеча Бадий академиянинг кўргазмалар залида VII Тошкент халқаро биеналесининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Кўргазма экспозициясидан икки юздан ортиқ фоторассомларнинг энг сара ижод намуналари ўрин олган. "Уйғунлик. Тасаввур ва борлик" мавзусидаги ишларини тақдим этган фоторассомларни она-табиат гўзаллигининг чинакам кўйчиларига қиёслаш мумкин. Уларнинг асарларида инсоннинг табиатга муносабати, шаҳар-қишлоқлар қиёфаси, турли халқларнинг турмуш тарзи ёрқин рангларда акс эттирилган. Инна Сандлернинг (Ўзбекистон) мойбўёқ ва акварел ёрдамида ишланган "Хотира" туркумидagi композициялари томошабин қалбига ёрқин тасаввур уйғотди. Зо-

кир Умаровнинг (Россия) "Менинг тоғларим, менинг осмоним, менинг Ватаним" туркум суратларида Сибирнинг ўзига хос табиати, ҳайвонот дунёси иртакмома тарзда акс этган.

Экспозицияда фотосуратчи Владимир Дубровскийнинг Қозоғистон чўлларида яшовчи оддий халқ ҳаёти акс этган суратлари, Диана Миндубаеванинг қадимий ва замонавий Тошкентнинг ўзига хос манзаралари диққатни тортади. Рафаэл Еналиев, Эрнест Куртвеллев, Аллома Бахромова, Светлана Янчук ва бошқа ижодкорларнинг суратлари ҳам мавзу доирасининг кенглиги, ўзига хос тасвирий ечимлари билан эътиборни тортади.

— Кўргазмада таниқли фотоусталар билан бирга ёш ижодкорлар ҳам фаол иштирок этаётгани киши-

ни қувонтиради, — дейди Антонио Мора (Испания). — Бу ерда кўрганларим менда катта таассурот қолдирди. Юртингиз ижодкорлари орасида ёшига нисбатан бўлимли, иқтидорли ижодкорларни кўрдим ва улар билан яқиндан танишдим. Ўзбекистонлик ёшларда билим олишга интилиш кучли экан.



Биенале Тошкент фотосуратлар уйида давом этди. Унда Теодор Пантеонинг "Ранг ва бурчак" номли кўргазмаси очилди. Ерқин ранглар билан ҳаёқанлар бета суратга олинган оддий буюмлар бетакдор кўриниш касб этган.

— Кўргазмада намойиш этилган суратлар бир-бирдан аъло, — дейди япониялик фоторассом Наюруки Огино. — Биенале мен учун дунё мамлакатларидан келган ижодкорлар билан мулоқотда бўлиш, фото санъатидаги янгиликлар билан танишиш имконини берди.

Тадбирда Фарҳод Каримов раҳбарлигидаги ёш ижодкорлар ҳам публицистик йўналишдаги ижодий ишларини тақдим этишди. Шунингдек, Яна Шаубергер, Алессандро Бразиле, Клаудио Маркоцци ва бошқа ижодкорларнинг асарлари ҳам томошабинларга манзур бўлмоқда. Биенале пойтахтимизда 12 октябрга қадар давом этади.

Сарвара ҚОСИМОВА

Ёзувчилар уюшмаси қошидаги "Онажоним — шеърият" тўғрагининг навбатдаги машғулоти Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ижоди-га бағишланди. Таниқли олимлар, шеърият мухлислари иштирок этган мулоқотда адабиётшунос А.Алимбеков адибнинг ижодий фаолияти ҳақида қисқача маълумот берди. Ёзувчининг ижодий изланишлари, ватан-

ШЕЪРИЯТ ТўГАРАГИДА

парварликка ундовчи асарлари ёш авлод учун ибрат мактаби эканлигига эътибор қаратди. Ёш ижодкорларнинг адиб маҳорати, бадий образларидаги ўзига хосликлар, айниқса, "Шарк" нашриёти томонидан чоп этилган "Улуғ салтанат" тетралогияси хусусида билдирган мулоҳазалари қўпчили-ни баҳс-мунозарарага чорлади.

— Ёшлар билан учрашиб, ижодий мулоқот қилиш мен учун ҳамиша марокли, — деди адиб. — Очиғини айтсам, бугунги ёшларга ҳавасим келади. Биз бу ёруғ кунларга етгунча қанча

машаққатли йўлларни босиб ўтдик.

Юртбошимиз "менинг фарзандларим", дея ёшларга жуда катта ишонч билдириб турибди. Ана шундай дорилмомон кунларда яшаётганимиздан фахрланишимиз лозим. Ақдоқларимиз бундай ёруғ кунларни орзу қилишган, холос. Ёшларимиз эзгу ниятларига эришмоғи учун бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра имконият кўп. Ўғил-қизларимизнинг ана шу имкониятлардан самарали фойдаланишлари, ўз устида тинмай изланишлари юртимиз тараққиётида катта аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиётига ўтган асрнинг олтиминчи йилларида лирик шоир сифатида кириб келиб, китобхонларга ўнлаб шеърий ва насрий тўпламлар тақдим этган устоз адиб билан бўлган учрашув адабиёт мухлисларида катта таассурот қолдирди.

Ахборот хизмати.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўзбек адабиётининг улкан намояндаларидан бири Мухаммад Ризо Огаҳий "Риёзуд-давл" номли тарихий асарида ўз даврининг муҳим воқеаларидан ҳисобланган — 1842-1843 йилларда тикланган, умумий узунлиги 6200 метр, ўн дарвозали Дишанқалъа деворининг қурилиши ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: "Хивақалъасининг атрофини айлана бир ҳисори васеъ ва девори рафеъ бино ва барпо қилдиргой, токим юрт зийнати ва фуқаро амнияти музоиф ва мугазоид бўлғай. Атроф-жаво-нибдан ҳашарий ва коргузору устоди ширинкор ва банойий жалодатшиорларни жаъм қилиб, ражаб ойининг саккизида душанба кун қалъа тамири умурига саяйи тамои билла шуруъ қилдилар. Ва ўттиз кун муддатда ҳисоре бино қилдиларким, матонатда Искандар саттига таъназан ва рифъатда фалак буржига сояаф-кандурур".

Бугунга келиб ушбу девор дарвозаларидан иккитаси — қалъанинг шимол томониданги Қўша дарвоза ва шарқдаги Ҳазорасп дарвозаси сақланиб қолган. Деворнинг баландлиги 8-10 метр, асосининг эни 6-10 метр. Девор бўйлаб тахминан ҳар 30 метрда ярим доирасимон буржлар, устки қисмида кенглиги 1,5-2 метрлик арава йўли қилинган. Қалъа атрофини кузатиш мақсадида буржлар 4-5 метр олдинга чиқариб қурилган. Ҳазорасп, Пишканик, Боғишамол, Шихлар, Тозабог, Шохимардон, Дашёқ, Гандимён, Гадоилар ва Урганч дарвозаларидан қалъага кириб-чиқилган.

Қалъанинг девори ва аксарият дарвозалари 1873 йили босқинчи генерал фон Кауфман қўшинлари томонидан тўпга тутилиб, вайрон қилинган. Мустабид шўролар даврида бу деворнинг тўпироғидан гишт тайёрлаш учун фойдаланилган. Ҳозир деворнинг 1400-1600 метр қисмигина сақланиб қолган, холос.

Мустахлак даврида кўплаб маданий мерос обидаларимиз харобага айлантирилгани барчага маълум. Мустақилликка эришилгандан сўнг, Дишанқалъа деворларини сақлаш ва тубдан таъмирлаш-тиклаш ишлари бошланди.

Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, Хоразм вилоятида 255 та маданий мерос обидалари рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз тарихига эга.

"Биз Ўзбекистондаги улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудида шаклланиб ва ривожланган энг қадимий цивилизация ва маданиятлар, қоятошлардаги ёзувлар ва иероглифларни, ноёб тарихий обидалар, моддий маданият ва меъморликнинг улғур ҳамада бетактор намуналарини назарда тутамиз", — деб таъкидлади Юртбошимиз Ислам Каримов Самарқандда ўтказилган БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида.

Қадим Хоразмдаги осори-атиқалар ҳам шу маънода хорижлик сайёҳларнинг алоҳида эътиборини тортмоқда. Бу қўҳна заминда эрамиздан аввалги даврларга оид Хива қудуғи, Ҳазорасп шаҳри, Тўпроққалъа шаҳарчасидан тортиб, кейинги асрларда барпо этилган Ичанқалъа, Улғи ҳовли мажмуаси сингари қадимий ёдгорликлар, Оқ шайх бобо, Шайх Қосим бобо, Пахлавон Маҳмуд мақбараси каби меъморий ёдгорликлар, Огаҳий, Аваз Ўтар каби улғур шоирларнинг уй-музейлари, мустақиллик йилларида бунёд этилган бебаҳо мажмуалар хорижлик сайёҳларда ҳайрат уйғотмоқда. Хоразм Маъмун академиясидан етишиб чиққан буюк алломаларнинг муборак номлари ҳам юртимиз тарихини улғулмоқда.

Тарихий қарор

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғри-

сида"ги қарори асосида 214,3 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу икки юздан ортқ янги лойиҳалардир.

— Авваллари сайёҳлар учун Урганч ва Хива шаҳарларида жойлашган тарихий-меъморий обидалар билан танишувгина амалга оширилган бўлса, эндиликда биз бу қўҳна заминдаги ҳар бир обида ҳақида илмий асосланган хулосаларни тақдим этмоқдамиз, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг ходими А. Хўжакулов. — Тарихий-илмий, тарихий-этниқ, маданий-кўнгилочар, экологик ва бошқа мавзулардаги янги сайёҳлик йўналишларидан фаол сайёҳлик, спорт сайёҳлиги, қишлоқ сайёҳлиги, велосайёҳлик, тиббий сайёҳлик, зйёрат каби ўндан ортқ турлар ривожлантирилмоқда. Шунингдек, ви-

ди ёдгорлик мажмуалари бунёд этилди. Албатта, бу мажмуалар халқимизнинг буюк ўтмишини буюк келажак билан боғловчи муқаддас ришталардир.

Урганчдан Хивагача

Урганчдан Хивагача ўттиз беш қақирим йўл. Йўл-йўлақай амалга оширилган бунёдкорлик ишларига назар ташласангиз кўзингиз яшнайди. Саёҳат давомида тарихий иншоотларни мароқ билан томоша қилаётган сайёҳларни учратасиз.

Сайёҳлик бўйича Урганч туманида 17, Хива туманида эса 91 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу лойиҳаларда сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳлик йўналишлари ва хизматларини такомиллаштириш, маданий ме-

сайёҳлар билан доимо гавжум. Шаҳардаги "Табассум" ресторани қоида улкан санъаткор Худойберди Девонновга бағишланган мултимедияли музей, Ўлкашунослик музейи ҳам сайёҳлар учун юртимиз тарихи ва санъаткорлари ҳақида маълумот берадиган гўшага айланган. Биби Ҳоҳар мақбараси, Боғишамол боғида ҳам зйёратчилар учун шарт-шароитлар яратилган. Сайёҳлар Ичанқалъа ҳудудидаги Ёқуббой хўжа

Ўзбекистон ва жаҳон

мадрасасида қўлда гилам тўқиш, шунингдек, сайёҳлик йўналиши бўйлаб бешта хонадонда миллий ҳунармандлик сирларидан бохабар бўлишлари мумкин.

Бундан уч йил аввал вилоятдаги 18 та меҳмонхона бир йўла минг нафарга яқин сайёҳлар қабул қиларди. Келгуси йилдан бошлаб меҳмонхоналар сони 29 тага етказилади ва улардаги ўринлар сони 1600 тадан ортади. Айни вақтда вилоятга келатган сайёҳлар сони ҳам йилдан йилга қўлайиб бормоқда. Бундан уч йил аввал хорижий мамлакатлардан 25 минг сайёҳ келган бўлса, ўтган йили уларнинг сони икки баробарга ошди. Эндиликда жами келатган сайёҳлар сони 100 мингдан зиёд. Вилоятнинг энг чекка қишлоғидаги диққатга сазовор гўшалар ҳам сайёҳларга тавсия этилмоқда.

Ўзига хос санъат

Хоразмнинг буюк алломалари, тарихий-меъморий обидалари, ўзига хос табиати, миллий таомлари билан бир қаторда санъаткорларнинг бетактор ижоди, ҳунармандчилик анъаналари ҳам бекиёс сеҳр-жозибига эга. Шу боис бу ерда сайёҳларнинг маданий хордиқ чиқаришларига йўналиштирилган кўнгилочар тадбирлар тизими шакллантирилган. "Достон фолклор", "Хива фолклор" этнографик халқ ансамбллари ва "Сайқал" оилавий фолклор дастасидан иборат бадиий жамоалар қўҳна мадрасада сайёҳлик мавсуми давомида хорижликлар учун ҳар оқшом ўз концерт дастурини намойиш этишмоқда. Огаҳий номидаги вилоят драма театри томонидан саҳналаштирилган "Махтумқули", "Дилда борим" каби спектакллар, саҳна томошалари сайёҳларга халқимиз турмуш тарзидан, тарихидан ҳикоя қилади. Бундан ташқари, ҳар кун Ичанқалъада сайёҳларга "Тоҳир ва Зухра", "Насриддиннинг саргузаштлари", "Алишер Навоий", "Ўтган кунлар" каби ўзбек миллий кино санъатининг дурдоналари инглиз тилида намойиш этилади. Шунингдек, йил фаслларида кўра, Ичанқалъа ҳудудида "Хоразм маданияти" фестивали, "Uzbekistan Travel Workshop" кўргазмаси, беш шоирлар, оқинлар ва халфаларнинг республика кўрик-танлови, "Гурвак — Хоразм қовунчилиги рамзи" савдо кўргазмаси каби ўнлаб оммавий тадбирлар ўтказилиши анъанага айланмоқда. Концерт дастурларига туманлардан келган фолклор этнографик жамоалар ва ёш санъаткорларнинг чиқишлари рангбаранглик бахш этади. Хорижлик меҳмонларда қизқарли миллий урф-одатларларимиз, анъаналаримиз — "Келин салом", "Лачак тўй", "Бешик тўй" ва қўчқор, ҳўроз уриштириш ўйинлари, миллий кураш, "Дарвешлар", "Хон навкарлари" театрлаштирилган томошалари завқ-шавқ уйғотади.

Сайёҳлар эътиборини жалб этадиган мўжизалардан яна бири миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни англатиб турадиган совғалардир. Совға буюмлар ишлаб чиқариш ва уларнинг хилма-хиллигини таъминлаш борасида дунёга донги кетган Хива гиламлари, миллий либослар, ҳунармандлар томонидан тайёрланаётган есдалик совғаларининг тури ва сони қўлайитирилиб, уларни тайёрлаш бўйича янги технология жорий этилмоқда. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришни такомиллаштириш мақсадида "Хива сополи" корхонасига 85 миллион сўм микдоридан банк кредит маблағлари ажратилди. Корхона томонидан Хива тимсоли туширилган сопол идишлар, турли хай-

калчалардан иборат етти турдаги совғалар тайёрланмоқда. Келгусида Хитой ва Венгриядан янги асбоб-уқуналар сотиб олиш режалаштирилган. Бу есдалик совғалари бутун дунёнинг турли шаҳар-қишлоқларига тарқалиб, Хоразм ҳақида ёрқин таассуротлар уйғотиб туради.

Халқаро кўргазма

"Ипак йўлида туризм" номли Тошкент сайёҳлик кўргазмаси сайёҳлик ташкилотлари учун катта имкониятлар эшигини очди. Чунки хорижда бўладиган халқаро тадбирларга боришга катта йўл ҳаражатлари, анчайин вақт, намойиш воситаларини олиб бориш қийинчилик туғдиради. Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган кўргазмага айнан бизнинг юртимизга қизиқувчи, ҳамкорлик қилишни қўнғилига тугиб қўйган сайёҳлик ташкилотларидан вакиллар ташриф буюрадилар. Хоразм вилоятининг хорижлик ҳамкасбларга тақдим қиладиган сайёҳлик имкониятлари эса бекиёс ва у йилдан-йилга ортиб бораётгани бутун дунёга ҳам маълум.

— Ўтган йили Тошкент шаҳрида ўтказилган XIX-Тошкент халқаро сайёҳлик кўргазмасида вилоятдан 30 та сайёҳлик ташкилоти иштирок этган эди, — дейди "Ўзбектуризм" миллий компанияси Хоразм минтақавий бўлими раҳбари Одилбек Раҳимов. — Ўшанда сайёҳлик ташкилотимиз қаторида Ичанқалъа Давлат музей-қўриқхонаси, вилоят кўғирчоқ театри, "Сайқал" фолклор жамоаси ва ҳунармандлар қатнашган. Бу йилга XX-Тошкент халқаро сайёҳлик кўргазмасига вилоятдаги 40 дан ортқ сайёҳлик ташкилотлари, ресторанлар, фолклор жамоалари ва ҳунармандлар қатнашишди.

Вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини халқаро кўргазмаларда кенг тарғиб этиш, жаҳон туризм бозорида муносиб ўрин эгаллаш учун тизимсиз ҳаракат қилиш мунтазам давом этадиган жараёндир. Бу борада Хоразмдаги сайёҳлик ташкилотларининг фаолияти диққатга сазовор. Ўтган йилнинг март ойида "Мега-инфо-тур" лойиҳаси бўйича дунёнинг Канада, Аргентина, Ҳиндистон, Италия, Австрия, Белгия, Германия, Япония, Франция каби 18 мамлакатидан оммавий ахборот ва тўрооператорлик ташкилотларининг вакилларига вилоятнинг сайёҳлик имкониятлари атрофлича таништирилган. Жорий йил июн ойида эса япониялик мутахассислар келишиб, минтақанинг сайёҳлик имкониятларидан ҳайратда қолдилар. Яқиндагина вилоятдаги "Бек-тур" ва "Қалжик тур" сайёҳлик компаниялари Францияда ўтказилган "TOP REZA" сайёҳлик кўргазмасида "Жавҳар Хулкар" сайёҳлик ташкилоти Германияда ўтказилган ITB халқаро сайёҳлик кўргазмасида иштирок этиб қайтдилар. Юқорида таъкидланган ташкилотлар қаторида "Зухро травел" сайёҳлик ташкилоти ҳам жаҳон туризм бозорига чиқиб борасида самарали иш олиб бормоқда. Улар томонидан Франция, Италия, Полша, Эрон, Туркменистон ва Африка давлатларидаги сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатилган. 2014 йилнинг биринчи ярмида ушбу ҳамкорлик натижасида бир ярим мингдан ортқ хорижий сайёҳлар Хоразмга келиб кетдилар. Вилоятнинг сайёҳлик имкониятлари интернет тизими орқали ҳам тарғиб этилмоқда. Хоразм Маъмун академияси томонидан дастур доирасида "Хумбуз тепа", "Султон Увайс — энг оммабоп ва муқаддас жой", "Шерғозихон мадрасаси", "Мухаммад Раҳимхон саройида маком", "Кат қалъаси тарихи" каби ўттизга яқин мақоалар тайёрланиб, "Wikipedia" электрон энциклопедиясига жойлаштирилди.

Хоразмнинг сеҳрх жозибаси ҳақида жилд-жилд китоблар ёзиш мумкин. Бизнинг бу ҳикоямиз кейинги икки йил давомида вилоятда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга доир дастур ижросига бағишланган, холос...

Аслида, минг бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал, дейди доғишманд халқимиз. Хоразмга йўл олинг!

Хуמוюн АКБАРОВ

Китоб инсон ҳаётида бебаҳо ўринга эга эканлигини тақдорларга асло ҳожат йўқ. Шу боис ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида китобга бағишланган кўргазмалар, тадбирлар, йиғилишлар мунтазам ўтказиб келинаётир. Ана шундай тадбирлардан бири 24-26 сентябр кунлари Туркменистон Республикаси пойтахти Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган "Китоб — ҳамкорлик ва тараққиёт йўли" IX халқаро кўргазма-ярмаркаси-сидир. Аллақачон анъанага айланган мазкур кўргазмада дунёнинг қатор нуфузли давлатлари қатнашиб келмоқда.

Бизнинг халқаро кўргазмага йўлимиз китоб ва китоб муҳлис-лари билан бевосита боғлиқ бўлди. Ҳ.Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғида илк бор ўтказилган "Болалар китоби" республика фестивалининг очилишида иштирок этиб, Ашхободга отландик. Боғда намойиш этилаётган юзлаб китоблар гўё бизга "Оқ йўл" тилаб қолгандек эди. Урганч орқали Тошхувузга борганда яна бир китоб байрами устидан чиқдик. Шаҳарда бир миллион

китоб фондига эга бўлган вилоят кутубхона-си очилди.

IX Халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси 24 сентябр кун Ашхободнинг Кўргазмалар марказида тантанали равишда очилди. Бу галги тадбир-

КИТОБ ЙЎЛИ — ЭЗГУЛИК ВА МАЪРИФАТ ЙЎЛИ

да дунёнинг ўттиздан ортқ мамлакатидан келган ноширлар, матбаачилар ва ижодкорлар қатнашдилар. АҚШ, Англия, Австрия, Германия, Россия, Туркия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Эрон, Полша, Саудия Арабистони ва бошқа ўнлаб мамлакатлар билан бирга Ўзбекистон ноширлари ҳам кўргазмада фаол иштирок этишди. Бизга ажратилган павилонда нашриётларимизда чоп этилган 200 дан ортқ номдаги китоб ва албомлар намойиш этилди. Ўзбекистон Республикаси павилони китобхонлар, олимлар, ижодкорлар, ноширлар ва журналистлар билан доимо гавжум

Халқаро кўргазма

бўлди. Улар биздан мустақил Ўзбекистон эришаётган ютуқлар ва ўзгаришлар ҳақида катта қизиқиш билан сўрадилар.

Шу ўринда яна бир яхши хабарни айтиб ўтишни лозим топдик.

Туркменистонда 2011 йилдан буюн "Дунё адабиёти" журналы чоп этиб келинади. Журнал бош муҳаррири Меретмаммет Хонмаммедов бизга ҳада этган мазкур журналнинг 4-сонини (июл-август)да машхур ўзбек шоирлари Ҳамид Олимов, Сулфай, Саида Зуннунова, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Маъруф Жалил, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Мухаммад Юсуф шевърлари туркман тилида босилибди. Бу халқларимиз ва адабиётларимиз ўртасидаги дўстликнинг яна бир юксак намунаси-дир.

Халқаро кўргазма-ярмаркада "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган "Ўзбекистон мева-сабзавотчилиги ҳамада узумчилигининг салоҳияти ва истикболлари", деб номланган албом 3-ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйи кўргазманинг махсус дипломи билан тақдирланди. Бу — ўзбек ноширлари фаолиятининг хорижда эътироф этилиши

ва эришган катта ютуқларидан далолатдир. Бу йил 290 йиллиги кенг нишонланаётган машхур туркман шоири Махтумқулининг кўплаб тилларга таржима қилинган китоблари кўргазманинг нуфузини янада оширди. Айниқса, Жанубий Корея ноширлари чоп этган "Махтумқули. Танланган шевърлар" китоби ҳажми, безатилиши билан кўргазма қатнашчилари эътиборига сазовор бўлди. Шунингдек, кўргазма доирасида шоир ижодида бағишланган махсус адабий-бадиий анжуман ҳам бўлиб ўтди.

Ашурали ЖўРАЕВ

Яхшилар ёди

Айни пайтда эл орасида "Тошкент ироғи" номи билан машхур бу ашулани хонандаларимиз завқ билан ижро этиб келишмоқда. Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиёва қуйлаган "Эй дилбери жононим" ашуласи Францияда ўтказилган халқаро танловда Гран-прига сазовор бўлган.

Ўзидан ўлмас ижод намуналари қолдирган Ғулмуҳалли Тошмуҳаммад ўғли Мискин лирикasinинг мавзу қўламини, бадиий маҳорати сирларини кўпгина олимлар тадқиқ этмоқдалар. Айни пайтда улар бошлаган мискиншунослик ижодкорнинг невараси Диффуза Қўшова томонидан давом эттирилиб, унинг саяъ-ҳаракати билан "Савти дугоҳ" тўплами нашр этилди.

Яқинда мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида шоирнинг неваралари, яқинлари ҳамжихатликда "Қамолон" қабристонига қўйилган шоирнинг қабрини обод қилишди, машхур тўртлиқларидан бири битилган тошлавҳа ўрнатишди. Бу миллат маърифатини улғуллаган шоирнинг хотирасига эҳтиром белгисидир.

Зарифа НИШОНАЛИЕВА

ЭҲТИРОМ

Мана **Мажнун ишқ, дўстларки бир**
Лайлон **изларман,**
Жамоли гул, сочи сунбул,
Кўзи шаҳлони **изларман,**
Ажаб бир тийра дилдурман,
Қамарсиймон **изларман,**
Мани ишқиди банд этган
Қади зебони **изларман,**
Ўшандоқ офатижон шўҳи бепарвони **изларман.**



Хайридин САЛОҲ

ЯНГИ-ЯНГИ МАНЗИЛЛАР

КИПРИГИМДА ТУТИБ...

Киндик қоним томган Она ер,
Билмам, бурчинг қандай ўтадим.
Озми-кўпми тўкиб манглай тер,
Илк шёримин сенга атадим.
Хайлигандан олис кетмадим,
Куйдирсанг ҳам товоним ёзда,
Жунжитсанг ҳам танним аёзда,
Сирим сендан дариг тутмадинг.
Узилса ҳам сендан оёғим
Узилмағай юрагим мутлақ.
Отам,
Онам,
Уруғ-аймоғим
Макон тутган муқаддас тупроқ,
Ҳар бир сиқим, ҳар бир қатрангини
Алишмасман зар, қахрабога.
Кипригимда тутиб меҳрингини,
Оширмоқ-чун яна қадрингини
Келганман-ку ёруғ дунёга.

ЙИЛЛАР

Йиллар ўтаркану бир-бирин қувиб,
Сира ҳам тутқизмас экан баридан,
Қишда жилва қилар дарчадан туриб,
Баҳорда қулф урган чаман бағридан.
Сувлар тўлқинида қилиб оқизоқ
Олиб кетар экан ёшлигинини ҳам.
Бироқ сен ўртанма, чекмагин фироқ
Ҳула-беҳудига азиз дўстгинам.
Ҳар қолдирган бўлсанг ҳаётда бир из
Шон-шарафли бўлса ўтган йўлларинг
Ҳеч вақт ёшлик сендан ўғирмайди юз,
Ҳеч вақт ҳазон кўрмас экан гулларинг.

Йўқ! Ўтди дейилмас ундай йилларинг!

УМР

Умрни ўхшатар ким тошқин сойга,
Биров дер, у чоққир бир дарёсимон.
Унинг ҳам, бунинг ҳам тўғрилиги
Сира-сира қолмайди гумон.
Сув тинчиб турмайди, тезоб тўлқинлар

Ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ шеърлари Шайхзода ҳамда Миртемир домлалар "оқ йўл"и билан матбуотда эълон қилинган Хайридин Салоҳнинг илк китоби 1958 йили "Чашма" номи билан чоп этилган. Ундаги шеърлар ошиқнинг ногаҳоний туйғулари, баҳор фаслининг бетакрор фасоҳат ва она юртга муҳаббат айрича нафисликда ифодаланганлиги билан ҳайратланарли эди. Шундан сўнг шоирнинг "Иккинчи имтиҳон", "Ишқим ва рашқим", "Тугён", вафотидан сўнг "Излар ва ҳислар", "Лирика" китоблари нашр қилинди. Унинг "Наъматак", "Янгрқ ҳаёт" дostonлари адабиёт мухлислари томонидан ўзига хос ҳодиса сифатида қабул қилинган эди.

Хайридин Салоҳ жаҳон адабиёти намояндалари асарларини муттасил мутлоаа қилар, айниқса, Х. Ҳайне, М. Лермонтов ва А. Пушкин ижоди уни ўзига мафтун этганди. Кейинчалик Хайридин Салоҳ таржимасида Х. Ҳайненинг шеърлари алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган. Шоир ҳаёт бўлганида айни пайтда саксон ёшга кирган бўларди.

Тирик сатрлар

Хас-чўпни иргитиб чопар манзилга.
Умр ҳам ўтади ўтганча кунлар
Сезилмасдан кўзга, на қўлга.
Сув оқиб ўтади, унинг изидан
Барпо бўлар бог-бўстон, ҳаёт...
Умр оқиб ўтар, у ҳам ўзидан
Қолдиради эзгу хотирот.

ҲАЁТ МАЗМУНИ

Ҳаётингда очиб янги манзиллар,
Йиллар ўтаверар, тўхтамас йиллар.
Ўтгани ҳам эсда тутгину бироқ —
Келажак йилларга боққин яхшироқ.
Йиллар ҳам йўллардек пасти-баланддир,
Йил мазмуни инсон дасти биландир.
Йилларнинг тўлқини, гирдоблари бор,
Лаззати, қувончи, азоблари бор.
Майли, йиллар билан юргин сарбасар,
Майли, ёшинг бўлсин саксонми, тўқсон...
Аммо уни умр демагин, агар —
Ўтган бўлсанг кутиб йиллардан эҳсон.
Йиллар ялқов учун бешафқат. Зеро —
Йиллардан асрлар яратиш пайти.
Заррадан қуёшу томчидан дарё,
Энг олий қасрлар яратиш пайти!

АТЛАС КИЙГАН ҚИЗЛАРГА

О, шаҳрим қизлари, о, сулув қизлар,
Тим қора қошлари нақ зулук қизлар.
Қойилман дилингни, ўйларингни
Рост айтсам, бек кетдим қўйлагингизга.
Атлас қўп қадимий нафис матодир,
У сиздек сулувлар учун атодир.
Сизлар кийганингиз шўх қизил атлас
Атласлар ичида нақ асл атлас.
Хосиятхон атлас, кўркам хонатлас,
Таърифи-тавсифи бир жаҳон атлас.
Кўзларни олади унинг ядлиғи,
Товусдек товланиб кийинг хиромон.
Фарғона боларин бор гўзаллиги
Унда намоён.
Келинлар уйда зар палаги ҳам,

Тошкент фавворасин камалаги ҳам,
Пиллакаш жувоннинг қўқ ипаги ҳам,
Йигитлар эғнида йўл-йўл беҳасам,
Ҳатто оналарнинг асл сарпоси
Чиройда энголмас атлас либосин.
Уни кийиб чиқинг анҳор бўйига,
Чирчиқ соҳилига, Салор бўйига,
Уни кийиб чиқинг илк учрашувга.
Асло бузилмасин аҳд ила паймон,
Ушласин дилларнинг орзу-ҳаваси.
Эгнингизда қулсин гўзал Марғилон
Ял-ял атласи,
Ҳатто юлдузлар ҳам ёқасин тутсин
Тан бериб бу зийнат, бу қўрқ, илмга.
Марғилон атласин доврғи кетсин
Етти иқлимга.

Йўл қўшиқлари

Мен умримда қанча йўл
Ошдим қанча бекатлар.
Пойим ўлди қанча тулу
Қанча майса, қўкатлар.
Сахро,
ўрмон,
қўприк усти,
Ёлғизоёқ тор сўқмоқ.
Кўрганларим ҳаммасини
Мушкулдир санаб ўтмоқ.
Завқ бағишлаб қўнғилларга
Яшил йўллар қоларкан,
Янги-янги манзилларга
Сени йўлаб қоларкан.

II

Ҳа, шу йўллар борки, инсон юради,
Ўзини ҳис этиб ўйноқ оҳудай.
Агар йўл юрмаса, тўхтаб туради
Ва аста қурийдй тинч ҳалқоб сувайди.
Шундай экан, қирми, адирми ошиб
Дала кезмоқ керак,
Йўл юрмоқ керак.
Бахтиёр келажак наслларга деб
Лола узмоқ керак,
Гул термоқ керак!

Мадинахон ҲОЖИЕВА



БИР ТУП ЎРИК

Ўрик яшил, оқ қўйлагин
Кийди баҳор келганида.
Боларилар этагига
Қўнди шамол елганида.

Ҳар баҳорда ўрик гуллаб,
Кўрган кўзга ҳайрат солар.
Қанча инсон болалиги
Шоҳларида ўйнаб қолар.

Бир туп ўрик, билсанг, сени,
Онам билан эккан эдим.
Соғинганда мен онамни,
Жамолингдан излаб келдим.

Бир туп ўрик, "онам" дея,
Бағринг маҳкам қучмоқчиман.
Рози бўлсанг, аримчоқда
Шоҳларида учмоқчиман!

ПОЛА

Дайди шамол ўйнаб ногаҳон,
Олиб кетди лола уругин.
Уруғ учиб тушди саҳрога,
Бажо айлаб шамол буйругин.

Нам тупроқда унибди лола,
Униб чиқди даштда ягона,
Чирой очди офтоб меҳридан,
Аммо атроф эди бегона.

Бутун даштни қоплади лола,
Писанд қилмай саҳро шамолни.
Гўзаллашди атроф ва дала,
Ол лоланинг кўриб жамолни.

Шундан бери саҳро қўйнида,
Куйлар эмиш маҳзун куйини.
Очилса ҳам бағри қон эмиш,
Эсга олиб ота уйини...

Мадинахон ҲОЖИЕВА 1994 йили
Тўрткўл туманида туғилган.
"Тўрткўлнома" газетаси тахририятида
хизмат қилади. "Истебод мактаби"
митақавий семинари иштирокчиси.

Барно РУСТАМОВА

КУЛОЛ

Ойдин тун. Теварак-атрофни бемалол фарқлай олса бўлади. Танни эркаловчи шабада эсар, чигирткалар худди шамолда тебраниб чийиллаётгандек туюлади кишига. Тун — чарчаган вужудни аллаловчи меҳрибон эртачки момага ўхшайди. Бутун борлиқ — тоғу тош, қиру адир, еру осмон, шаҳару қишлоқ ширин бир ором оғушида. Фақат қуллол...

Кулол бу тун ҳам алаҳсираб чиқди. Бадани олов бўлиб ёнапти. Гўё гуриллаб турган гулхан ичида қолгандек тўлғонади, овозини-да биров эшитмайди. Кексалик ёмон. Ёлғизлик даҳшат. Кулол ёлғиз. Бунга минг йил бўлгандир-ов. Ўрганиб ҳам кетган. Лекин ҳозир бир мададга, меҳрга, ҳеч бўлма-са озгизга сув томиздагидан кишичи йўқлигини уйлаб баттар азовландаи.

"Сув..." пичирлаб айтдим, бақирдим би-лиш кийин...

Тун сукунатини кўзачаларнинг шивир-шивири бузди. Худди ширин болакайлар қўшиқ айтаётгандек, ширали овоз билан бир-бирига ниманидир-сўзлар эди кўзачалар. Ўзаро шивирлашиб сув тўла қумгоннинг ёнига келдилар. Қумгондан садо чиқмади. Бўйини чўзиб турар, томчи сув беришини-да истамасди. Ҳа, қумгонни қуллол ясамаганди-да, шунга ичи илимайди, меҳрсиз — деб ўйлади кўзачалар. Кейин қудуқ бошига бордилар. Энг кичигининг бўйнига арқон боғлаб қудуқдан сув олдилар ва қуллолнинг ёнига қараб чопдилар. Йўл-йўлакай бир чувалчангчи сув ичига солдилар. Шунда оддий сув шифобахш малҳамга айланди.

Улар қуллолнинг озгизга сув тутиб, оловдек ёнаётган баданини сувадилар. Шунда... мўъжиза рўй берди: қуллол алаҳсираш-

Қатра

дан тўхтаб, кўзини очди. Атрофда кўзачаларнинг гиргиттон бўлиб айланиб юрганини кўрди. Кўзига ишонмай, аввалига қараб турди, сўнг алаҳсираялман дедими, бошини ёстиққа қўйди ва қаттиқ уй-қўга кетди.

Эрталаб ўн саккиз ёшли йигитдек, қўшдай енгил бўлиб уйғонди. Кеча бўлиб ўтган воқеани англай олмай анча боши қотди. "Болалигимда онам сувага чувалчанг солиб ичирарди, шунда бош оғригим қоларди. Балки онам..."

У ўз уйдан чўчиб тушди: "Ахир, онаси ўлганига эллик йилдан ўтганку..."

Кўзачалар... ўрнидан илкис туриб кўзачалар томонга юрди. Кечкурун қандай бўлса ҳозир ҳам тоқчада ўшандай турибди. Фақат уларнинг лабларидан билинар-билинмас табасум бордек эди...

Кулол мўъжизага, меҳр жонсизга ҳам жон ато этишига ишонди.

Ич-ичидан, юрак-юрагидан орзқиб кетди...

Барно РУСТАМОВА 1965 йили туғилган. Тошкент давлат техника университети таълимлаган. "Жаннат гули", "Ҳаяжон", "Мангу севги излаб" ҳикоялар тўпламлари нашр этилган.

Мулоҳаза

ҳолатига қараб тавсия этиш лозимга ўхшайди. Билмадик, бу борада мута-садди идоралар қандай тавсия бер-ган, бироқ ўқитувчи нимадан, қандай сабоқ беришини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Бошқа бир мактаб ўқувчилари эса: "Муаллимимиз шоирлар, бизга ҳар куни янги шеърларини ўқиб беради-лар", деб мактандилар. Албатта, ижодкорлик яхши, ижод-ни тарғиб қилиш ҳам яхши, аммо бу машғулот-нинг педагогик андоза-лари ҳам бор.

Ёш, мурғак қалб парвозга шайлан-ган истакларига қанот излайди, бе-поён орзулар шарҳи, ҳаёт манзаралари дарж этилган адабиётни ва-рақлаб, саволларига жавоб топғиси келади. Келажак ворисининг бу та-лабига жавоб бериш ҳаммаизнинг бурчимиз. Бинобарин, қадриятлари-мизда таркиб топган таомил шукки, Адабиёт, биринчи навбатда, киши-ларни адабга ўргатмоғи лозим. Кей-ин эса у китобхона одамийликдан сабоқ беришга "ихтисослашган". Инчунун, бошқа жами инсоний фа-зилатлар ҳам қўнғилга адабиёт ор-қали кириб боради: ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, одамийлик, иззат-ҳурмат, севги-са-доқат, мардлик ва ҳоказо. Негаки, инсоният бутун фаолияти давомда яратган энг яхши бойликлар адаби-ётда, китобларда муҳрланган. Бу бойлик триклининг минг-бир си-новларида чийралган, хатарлардан қаттиқ азият чеккан аждодларнинг келажак ворисларига қолдирган панд-насихатларидир. Уларни ўрган-май, олға ҳаракат қилиб бўлмайди. Ана шу йўлда адабиёт ўқитувчилари камарбаста экан, уларнинг масъу-лята муносиби бўлишларини хоҳлай-миз. Сиз нима дейсиз?

ҲАКИМ САТТОРИЙ

АДАБИЁТ ОДАМИЙЛИККА ЎРГАТАДИ

Пойафзал таъмирловчи устадан кечикиб қолганимни хаспўшлаш учун худди оламшумул бир ишни дўндириб келаятгандек вақ кўрсатиб, узр сўра-дим:

— Мутлоага берилиб кетиб, иш вақтингиз тугаётганини сезмай қолиб-ман.

Туфли устанинг қўлидан қошиқдай бўлиб чиққан эди, маҳоратига қойил! Шунда ўз миннатдорлигини сидқидилдан изхор этиш учун дедим:

— Сиз ҳам ўқишга қизиқасизми? Менда яхши китоблар бор...

Бу гап беихтиёр тилимга келиб қолди. Одам бир ёқимли ҳис оғушида мутаассир бўлса, изнсиз ўша кайфи-ятини яқин одами билан баҳам кўриб кетди-ку. Уста ўз санъати билан мени мафтун этган эди ва уни ўзимга яқин олиб қолгандим. Мурожатимга нис-батан устанинг чехраси бери сўлиш олиб, кўзларни қисилди, лабда бир киноя зоҳир бўлди. Сўзлайди, лекин гапирмади. Менга шу кифоя эди: жуда ўсал бўлдим. Уста гўё овозсиз шун-дай деяётган эди:

— Менга бошқа ҳақоратингиз йўқми?

Жуда нуқулай аҳволга тушдим, тез-да ҳақини узатдим-да, устандан узоқ-лашдим. Барибир мен уни ёқтириб қолдим, юраги тоза (бундай одамнинг ботиний кечинмиси шундоқ рухсори-дан уфуриб туради), самимий одам экан.

Бўлгани шу. Фақат мулоҳаза қилиб қўриладиган далил. Ҳамон кутубхона-ларда навбатларнинг кети узилмайди, китоб дўконлари харидорлар билан тирбанд. Ҳалигидай ҳолатлар эса шун-чаки, ўткинчи кайфият. Аммо бундай бўлгани ҳам яхши эмас. "Бирники — минга, мингники — туманга" деган гап бор, фақат ушбу муносабатлар-нинг уриб кетиш хавфи кўнгилда иш-тибох туғдиради.

Азалдан китобхонлик хос табақа-нинг машғулоти, юқори маданият бел-

гиси ҳисобланган. Фақат зиёлилар, жамиятнинг етук вакиллари давраси-да китоблар, умуман, адабиёт, мада-ният юзасидан қизгин суҳбатлар бўлган. Бундай ҳол ҳозир ҳам кўзга ташланади. Бу борада аҳоли табақа-лари эмас, ҳатто шаҳарларнинг маъ-навий даражаси ҳам фаркланади. Та-лабалик йилларимиздаги бир воқеа ҳеч эсимдан қичмайди ва бат-бот му-лоҳаза қилишга ундайди. Уша йиллар-да машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов-нинг "Асрга татиғулик кун" асари

Сир эмас, таълим дастуридаги дарсликлар тизимида бошланғичда Ўқиш дарслари, юқори синфларда эса Адабиёт дарслари ўқувчиларда му-толаа кўникмасини ҳосил қилиш, ба-ддий адабиётга қизиқишни уйғотиш ва тарбиялаш, шу орқали китобхонликка ўргатиш мақсадларига йўналтирилган. Билганларимиз шуки, синфда ифода-ли ўқиш, мавзу юзасидан китобларни мутлоаа қилишни ташкил этиш, бу юмушни назорат қилиш, қолаверса, синфдан ташқари ўқилган китоблар-

бола учун меҳнат, у харфма-харф, сатрма-сатр тер тўкиб, ўзида янги бир олам яратлади. Қаҳрамонлар би-лан дунё кезади, севилади, хафа бўлади, қулади, кўз ёш тўқади. Шу жараёнда унинг шахси камол то-пади. Бир буюқ асарни мутлоаа қилиш бир ҳаётни яшашдек гап. Баъзан ҳаётга енгил-елпи қараш ана шундай тарбия шаклидан беҳабарликдан эмасмикин?

Адабиёт фанини мактабда қолган фанларнинг бошловчиси, очқичи, ка-

лит деб аташ урф бўлганди. Чунки адабиёт айнаан ҳаётнинг ўзидан баҳс этади. Яъни адабиёт йўловчи тарбия-ламайди, балки шу йўловчилар учун кема яратлади. Кемасиз эса йўловчи-лар денгиздан ўта олишмайди. Хол-буки, болага мурғаклигиданок тех-ника воситаларининг фойдаланиш меъёрлари ва китобнинг афзаллик-лари етарлича тушунтириб борилса, адабиёт ўқитувчилари замонавий та-лабларга жавоб берадиган таълим усулларидан кенг фойдаланса яхши бўларди.

Бир ижодий анжуманда ҳаваскор қаламқашлар машқларини ўқиб, ўзаро муҳокама қилишди. Шунда бир ҳолат аниқ кўзга ташланиб қолди: ёзилган-ларнинг кўпи ўлим ҳақида эди ва му-алифлар бу даҳшатли тафсилотлар-ни киприк қоқмай баён этардилар. Шунда машғулоти ўртасидан тўхта-тишга тўри келди ва бунинг боиси би-лан қизиқилди:

— Мен бу асаримни, — деб гап бошлади ёш ёзувчи, — чет элнинг

нинг ҳисобини олиб бориш, вақти-вақ-ти билан китобхонлар анжуманлари ташкил этиш, кўп китоб ўқиганларни рағбатлантириб бориш ҳам шу фан ўқитувчилари зиммасида эди. Маъ-лумки, бола бирданига китобхон бўлиб қолмайди. Бу кўникма ифода-ли ўқиш дарсларида шакллантирила-ди. Бир бола доскага чиқиб ўқийди, қолганлари ичида тақрорлаб, келган жойни қўли билан кузатиб борарди. Бир муаллимдан:

— Ҳозир ҳам шунақа дарслар бўла-димми? — деб сўрасам, ҳеч иккилан-май:

— Бунақа дарслар уйга вазифа қилиб берилади, — дейди.

Бу ёғи маълум.

Бошқа бир ўқитувчи эса:

— Ҳозир китоб ўқиб ўтириш ҳам шарт эмас, киносини кўриб қўя қолса бўлади. Қолаверса, матнларнинг ди-ктофонга ёзилган шакли ҳам мавжуд, шуни эшитса, кифоя қилади, — тар-зида мулоҳаза юритади.

Холбуки, айнан китоб мутлоааси

УЛУҒ ШОИР ШАХСИЯТИ

Бобур ва унинг замондошлари талқинида

Заҳириддин Бобурнинг Алишер Навоийга муносабати олимларимиз томонидан ўрганилган, бу мавзуда фикр-мулоҳазалар айтилган. Шу боис биз “Бобурнома”дан Навоий шахсиятини янада теранроқ ёритган, ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ шахслар, воқеа-ҳодисалар тасвирини таҳлил этиб, Бобурнинг улуг шoir ҳақидаги қарашларини ёритишга интилдик. Шунингдек, Навоий шахсияти, мавқеини Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарларидаги турли персонажлар ва тарихий лавҳалар асосида ҳам кўриб чиқмоқчимиз. Бу қиёсий таҳлил, шубҳасиз, Алишер Навоий шахсиятини кенгрок кузатиш имконини беради.

Маълумки, “Бобурнома”да муаллиф Махдуддин Мухаммад шахси борасида ҳам кенг тўхталган. Хусайн Бойқаронинг бу вазир Навоий билан бахс-мунозарда, фикр ихтилофда бўлгани ҳам тарихий манбалардан маълум. Турли сабаблар билан салтанат хазинаси бўшаб қолганда, Хусайн Бойқаро Махдуддинга мурожаат қилади. У иқтисодий, молиявий, солиқ тизимини қаттиққўллик билан олиб бориб, салтанат хазинасини тўлдиришга муваффақ бўлади. Бу ҳақда маълумот бераркан Бобур амир Махдуддиннинг “Алишербек бошлиқ ҳамма беклар ва аҳли мансаб била зиддона маош” қилганини айтиб, бу ҳаракати оқибатида “борча анинг” била ёмон бўлдилар”, дейди. Шу ўринда бир нозик муносабатга эътибор берайлик. Бир қараганда, Бобур Навоийнинг жамиятдаги мавқеи, таъсир кучини кўрсатмоқда. Иккинчидан, Махдуддиннинг иқтисодий ва молиявий қобилиятини зимдан эътироф этади.

Бирок Махдуддин салтанат иқтисодини қанчалик мустаҳкамлаган бўлмасин, маълум даражада Султонга ёқмасин, Хусайн Бойқаро, Навоий хурмати боис, уни вазифасидан “маъзул” этади. Бобур Хусайн Бойқаро салтанатида Навоий қарашлари жиддий тўқнашувга учраганига, баъзи ҳолларда адолатга зиён етганига ишора қилади: “Сай ва игво қилиб, Махдуддин Мухаммаднинг туттуруб маъзул қилдилар. Анинг ўрнига Низомулмулк девон бўлди. Неча махдуддин сўнг Низомулмулкни ҳам туттуруб ўлтүруб, Хожа Афзални Ироқтин келтируб, девон қилдилар. Мен Кобул келган фурсатда Хожа Афзални бек қилиб эдилар, девонда ҳам муҳр босар эди”.

Бошқа жиҳатдан юқоридаги парча Навоий ва унинг тарафдорларининг Хусайн Бойқаро давлати бошқарувидаги таъсир доираси катта бўлганини ҳам кўрсатади.

Бобур вазирдан сўнг исми номаълум қолган котиб томонидан “Бобурнома”нинг охирига икки бетли илова қўшилган. Иловада асар муаллифига таъриф берилиб, “Ва бир неча аҳли таъбиким, ушбу подшоҳ (яъни Бобур — **Х.К.**) доимул авқот суҳбатдин айру қўймас эрди”, “аҳли таъб”лар қатори “Султон Мухаммад кўсамки, Мир Алишернинг муносибларидин эрдиким, подшоҳ суҳбатда иззат топиб, сарафроз бўлуб эрди”, деб ёзилади. Демак, Бобур сўнгги нафасига Навоийга яқин кишилар хурматини бажо келтирган, уларни эъзозлаган.

Заҳириддин Бобурнинг Алишер Навоийга муносабати ҳақида сўз юритганда, унинг Хирот шаҳрида қисқа муддат бўлган пайтда атайин Навоийнинг шахсий уйи — “Унсия”да яшагани, шаҳардаги улуг шoir қурдирган биноларни меҳр билан зиёрат қилиб, бу ҳақда “Бобурнома”да ёзганини таъкидлаш жоиз. Бу эътирофда шох, адиб, шoir, адабиётшунос Бобурнинг Навоий даҳосига юксак этиқоди, садоқати мужассам. Бобур Навоий барпо этган биноларни номма-ном санайди, бу қончалар инсон ҳаёти, маънавияти, пок ва соғлом турмуш, охирати ва бугунги кун учун нечоғли зарурлигини ўқиради. Улуг шoirнинг эл учун яшаганини, умрини юрт осойишталиги ва фароғатига сарфлаганини таъсирчан ифодалайди: “Алишербекнинг ўлтүруб уйларики, “Унсия” дерлар, макбара ва масжиди жомеиники “Кудсия” дерлар, мадрасаси ва хонақоҳники “Халосия” ва “Ихлосия” дерлар, ҳаммом ва дорухшосиники “Сафоия” ва “Шифоия” дерлар, борини андак фурсатга сайр қилдим”.


Умуман, XV асрнинг охир XVI асрнинг биринчи ярмида яратилган ёки шу давр

ҳақидаги тарихий, саргузашт, ҳатто поэтик асарларнинг аксариятида Алишер Навоий ҳақида маълумотлар берилган. Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асари ҳам шулар жумласидандир.

Маълумки, Алишер Навоий Хирот адабий муҳитини бошқарган пайтда Зайниддин Восифий ёш бўлган. Ёш Зайниддиннинг муаммо билиш қобилиятини синаб кўрган Навоий унга юқори баҳо берган. Восифий “Бадоеъ ул-вақоеъ”да бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтган. Шу боис унинг Навоийга устоз ва ҳомий сифатида қараш табиий. “Бадоеъ ул-вақоеъ”да муаллиф

бу билан гўё ғалаба қилган, яъни у одамлар орасида қимсан вазирни аъзам, шoirлар сарвари Навоийни ўз ордидан югуртирди, деган сохта обрўга эришгандек бўлади.

Восифий бу воқеа тасвирини бир маромда давом эттириб, Пири Баковулнинг ҳеч қимми писанд қилмай қўйганини, ҳатто султон Хусайн Бойқаро ҳам ўзига бунчалик эрк бермаганини айтиди: “Тахтиравон олдида ўн чоғли йигитчалар олтин, қумуш ва чинидан ясалган май идишларни қўтариб олишган. Қўларига лаъл, фируза, забаржад ва ёқут пиёла-



Навоийнинг шахсий ҳаётига доир нозик жиҳатларни кўпроқ ёритган. Бунда, асосан, Заҳириддин Бобур асаридаги аниқ баён, қисқа ва мантқиқий умумлашма таърифлардан фарқли тарзда, улуг шoir ҳаётидан ҳикоя қилувчи гаройиб воқеаларга кўпроқ ўрин берилган. Восифийнинг санъаткорлиги шундаки, у Навоийнинг буюклими, халқ билан муносабатларини ёритишда жонли мисоллар — шеърят оқшомлари, шoir шахсий ҳаётига доир лавҳалардан кенг фойдаланган. Бу тасвирлар шунчалик халқона, оммабоқли, осон ўқилади, ўқувчига эстетик завқ беради. Яна бир жиҳат шунки, Восифий шoirнинг шахсий ҳаётидаги кўпчилик учун жумбоқ туолган жиҳатларни енгил ҳазил оҳангида ойдинлаштиради, давр адабий муҳити ва жараёни ҳақида кенг ва муҳим маълумотларни беради.

Восифийнинг мазкур асарида Навоийнинг ҳаётида содир бўлган бир воқеа ҳикоя қилинади. Хусайн Бойқаро саройида Мир Хожи Пири Баковул деган номдор ошпаз бўлиб, қўнларнинг бирида уни тахтиравонда олиб ўтишди. Мир Хожи Навоийга қўзи тушиши билан: “Махдум, бугун Сизнинг мулозимларингиз ҳазрати Мирзо (яъни Хусайн Бойқаро — **Х.К.**) олдида ажойиб гапларни айтишди”, дея ўтиб кетади. Албатта, ҳар қандай амир ўз мулозимларининг шогҳа қандай “ажойиб” гапларни айтганини билишга қизиқиши табиий. Шу боис Навоий Мир Хожи тахтиравон ордасидан “Махдум, бир пас тўхтан”, деб юғурди. Шунда Баковул: “Маъзур тутинг, Мирзо мени бир зарур иш билан жўнатдилар, шошиб турибман”, дея унинг қўнглини баттар таҳликага солади. Баковул

бу билан гўё ғалаба қилган, яъни у одамлар орасида қимсан вазирни аъзам, шoirлар сарвари Навоийни ўз ордидан югуртирди, деган сохта обрўга эришгандек бўлади.

Восифий бу воқеа тасвирини бир маромда давом эттириб, Пири Баковулнинг ҳеч қимми писанд қилмай қўйганини, ҳатто султон Хусайн Бойқаро ҳам ўзига бунчалик эрк бермаганини айтиди: “Тахтиравон олдида ўн чоғли йигитчалар олтин, қумуш ва чинидан ясалган май идишларни қўтариб олишган. Қўларига лаъл, фируза, забаржад ва ёқут пиёла-

лар. Тахтиравон ҳар беш-олти кадам юрганда Пир бир пиёла май ичиб, газакига ёнидаги йигитчаларнинг биридан бўса оларди...”. Хусайн Бойқаро бу хабарни эшитиб, Пири Баковулни сурбетлиги боис йўқ қилиб, мол-мулкни хазина ҳисобига мусодара этади. Ушбу воқеа баёнидан ҳам Навоийнинг ўша даврда сарой олдида, халқ орасида қанча обрў-эътиборга эга эканлигини билиш мумкин.

Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр” асарида 150 нафардан зиёд адиб, тарихчи, шайх, тасаввуф пешволари, давлат арбоблари ҳақида қимматли маълумотлар жамланган. “Ҳабиб ус-сияр” тарихий асар бўлгани учун муаллиф Алишер Навоийга алоҳида боб бағишлаган. Шoir шахсияти замона, давлатдорликка оид маълумотлар, адабий асарлар, адиб ва адабий жараёнга берилган баҳоларда кўзга ташланади. Асар давомида Навоийнинг исми эллик мартадан ортиқ тилга олинди. Агар Хондамир келтирган маълумотлар умумлаштирилса, Навоий мавқеи, унинг тарихда, адабий муҳитда, қолаверса, ўз даври кишилари тақдирда тутган ўрни яхлит ҳолда ўқувчи кўз ўнгига гавдаланади.

“Ҳабиб ус-сияр”да муаллиф улуг шoirнинг уч хислатини кенгрок ёритишга интилган: биринчидан, тарихий асар талаби ва мундарижасидан келиб чиқиб, Навоийнинг Хусайн Бойқаро салтанатидаги ўрни; иккинчидан, нозик истеъдоди — одам таниш қобилияти ва валиёна хислати; учинчидан, ўша давр адабий жараёнига сарварлиги.

Хондамир Хусайн Бойқаро салтанатидан олдинги давр — Султон Абусаид мирзо саройидаги воқеаларни тасвирларкан, Алишер Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Ганжшина (Хондамир шу ном билан берган — **Х.К.**) ҳақида қисқача маълумот келтиради. Муаллиф Султон Абусаид салтанати ҳақида сўз юрита экан, Навоийнинг падари бузуковчини бу даргоҳда нуфузли шахслар доирасида бўлгани, эътиборга ноиллигини алоҳида таъкидлайди. Султон Абусаид қўнларнинг бирида жуда катта нуфузли ҳайъат тайинлашга қарор беради. Бу масалани хал қилиш учун давлатнинг энг нуфузли арбоблардан иборат ҳайъат тўзилади. “Биринчи, Шайх Нуриддин Мухаммад бини Шайх Бақовулдин Умар, иккинчи Хожа Шамсиддин Мухаммад Кўсавий ал-Жомий, учинчиси — амир Бобуриддин Хованшоҳим, мазкур сатр муаллифининг (яъни Хондамирнинг — **Х.К.**) паноҳбонидир ва амир Ғиёсиддин Ганжжонаким, ҳазрати амира султон Низомиддин Алишернинг падари бузуковчидир ва сафарда у уч бузурутга хизмат қилиш ҳамда ҳамкорликка тайинланган эдилар, ўз ишларининг бажарилишига амр этилди...”. Хондамир фикрича, бу ҳайъатга юксак масъулият — салтанатдаги парокандаликни тўхатиб, ўрнига тинчлик ва барқарорликни барпо этиш вазифасини юклаган.

Ғиёсиддин Кичкинанинг улуг кишиларга ҳамроҳ бўлиши унга билдирилган улкан ишонч эди. Қолаверса, бу факт юртда тинчлики асрашда, султонлар орасидаги ихтилофларни бартараф этишда жонбозлик кўрсатишдек улуг эзгу ишлар аслади Алишер Навоийнинг отасидан олган тарбияси, таъсири, маънавияти юксак оиладан унга мерос бўлиб ўтган бурч сифатида баҳолашни жоиз.

Хондамир асарида улуг шoir характери ёритилган диққатга лойиқ яна бир мисолни кўзатаялик. Бу Навоий хизматида бўлган, ўз даврининг йирик ихтирочисини, наққош ва адиб Мавлоно Хожи Мухаммад Наққош ҳақидаги қимматли маълумотдир. Ушбу маълумотни ўз таржимамизда тўла келтиришни лозим топдик: “Мавлоно Хожи Мухаммад Наққош ўз даври илмини эгаллаган, доимо ҳайратланарли ихтиролар ва ажиб тажрибалар ўтказиб, уни қўндалик амалий ҳаётда қўллаган шахс эди. Тас-

Ўзбек мумтоз адабиёти

вир ва таъзиб (зар билан нақш бериш) фанида маҳорати чексиз эди. Бир неча вақт чинни идишлар ясаб билан шугулланди. Жуда кўп таъриба ва чексиз меҳнати эвазига катта бир чинни идиш ясашга эришди. Бирок ранг ва жиоси унга ўхшамас эди. Мавлоно Хожи Мухаммад ихтироларидан бири Амир Низомиддин Алишер кутубхонасида қўйилган сандиқли соат эди. Ушбу сандиқда у одам ҳайкалини ясаган эди. Бу ҳайкал ҳар соатда қўлдаги чўпи билан олдида турган ногорага бир марта урар, икки соат ўтса икки марта уриб садо берар эди. Мавлоно Хожи Мухаммад Наққош муайян муддат Алишер Навоий кутубхонасининг мудир вазифасини ҳам бажарган. Мирзо Бадӣузуззамон Хиротни босиб олишга киришган пайтда Мухаммад Наққош Навоийдан аразлаб, Бадӣузуззамон хузурига борди...”.

Ушбу парчада Хондамир Алишер Навоий характерининг нозик нуқталарини чизиб берган. Энг аввало, бу мисолда Навоийнинг аниқлиги яратилган, ихтирога муносабати ойдинлашди. Навоий даврида Хуросон ва Мовароуннаҳр улкан маданий, адабий, илмий ва ихтиомий юксалиш йўлини тутган эди. Ислом оламида Бахровулдин Нақшбанднинг “Дил ба ёр, даст ба қор” фалсафий-суфийна қараш, таъсирида яратувчанлик, аниқлиқ, интилиш меҳнатга муносабатининг ажралмас қисмига айланган эди. Шунга қарамай, ҳали ислом олами илм-маърифатга, аниқлик-ихтироларга ўз эшикларини лағз очиб бермаганди, албатта. Ана шундай бир шароит Мухаммад Наққошдек ҳалқ ичидан чиққан моҳир ихтирочи ва қосиб маданий ҳомийси Навоийнинг паноҳида туриб, фақат гаройиб соат яратмаган, балки одам мужассамасини — ислом қониятига унча мос келмайдиган пайкарли ихтиросини пешкаш қилган. Шубҳасиз, Навоий бу ихтирони яратилгунга қадар кузатган, унга қизиққан, Мухаммад Наққош кашфиётига ҳомийлик қилган. Табиийки, ихтирога Навоий ҳомий экан, нега Мухаммад Наққош ундан аразлаб кетди, деган ҳақиқат савол туғилади. Хондамир бу борада аниқ маълумот бермаган. “Ҳабиб ус-сияр”да номлари келтирилган шахсларнинг (Мухаммад Наққошдан ташқари) Навоийдан аразлаб кетганининг аниқ сабаблари бор: айримлари унинг нафратига учраган, айримлари ёлғончилиги, гийбатга мойиллиги, мастликка ружу қўйгани оқибатида устод марҳамати ва суҳбатидан маҳрум этилган.

Хуллас, Алишер Навоийнинг мўътабар сиймоси ҳали у ҳаёт пайтида ва вафотидан кейинроқ замондош адибу тарихчилар асарларида Қомил Инсон даражасида тасвирланганини кўрамиз. Унинг шахсияти турли даврларда минглаб кишиларнинг юксак инсоний ахлоқ руҳида тарбия топишларига омил бўлди.

Хасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Акс садо

ва ёзма адабиётидаги муомала ҳамда бадий ифода имкониятини биттага қисқартириб демакдир. Ёлбурудан бор имкониятдан воз кечмай, аксинча, уни асраб-авайлаганимиз маъқул.

Ўзбек тилида таъна қилинган: “Лекин бу саволга жавоб топпок учун “Навоий асарлари лугати” (1972) ёки “Алишер Навоий асарлари (тилининг — **Н.Ж.**) изоҳли лугати” (1983—1985)ни титқилаб, овора бўлманг. Чунки уларда “меҳрибон” сўзи ва ғазалда унга қофиядош бўлиб келган бошқа сўзлар маъноси берилган, бироқ бу сўзларга қўшилган “-е” қўшимчасига қандай маъно юклагани айтилмаган”. Ҳолбуки, сўзларнинг бирликл ва ноаниқлик йо-йини олган шаклини шарҳлаш мазкур луғатларнинг вазифасига кирмас эди.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори

Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида

ЯХШИ КИТОБЛАР БЎЛМАГАНДА...

Мен шунга ишонаманки, инсон нафақат бардош беради — у енгади. Унинг ўлмаслиги тирик мавжудотлар орасида ақл-идроққа эгаллигида эмас, балки қалби, руҳи, изтироб чекишга қобилиги, ўзини қурбон қила олиши ва сабр-тоқатли эканида. Шоирнинг, ёзувчининг бурчи шу ҳақда ёзиши зарурлигидир... Шоир шунчаки инсон ҳаётининг солномасини ёзмаслиги керак; унинг асари инсонни қўллаб-қувватлайдиган, унинг бардошига куч берадиган ва енгиллиги кўмаклашадиган таянч, устун бўлиши лозим.

Улиям ФОЛКНЕР

Адабиёт туфайли, адабиёт уйғотган тафаккур, интилиш ва истаклар туфайли, ҳаёлот салтанатига сафар чоғи кўнгида бош кўтарган кечинмалар туфайли бугунги цивилизация одамийлашди, нажот топди. Адабиёт аҳли ўйлаб топган бадий тўқима қумга сингган сувдек исзис кетмади, бильякс тошга айланган юракларни мумдек эритди. Яхши китоблар бўлмаганида эди, инсониятнинг бугунги ҳолига маймунлар йиғлаган бўларди, мустақил фикрдан маҳрум лаббайчилар уриб кетарди, кўнгли бирлиги йўқларди, мутелик кайфияти кенг тарқалиб, ўз-ўзини англаш туйғуси — тараққиётнинг етакчи омили йўқларди.

Марио Варгас ЛОСА

Тарихимизнинг ақлдан озган йигирма-ўттиз йилида ҳамма тенгдошларим қатори давр талвасаси олдида буткул эсанкираб ва ожиз ҳолда қоларканман, бу кунларда ёзувчи бўлиш шараф деган элас-элас ҳиссиётдан ўзимга таянч топдим, шунга кўра бу таянч менга мажбурият юклади. Хусусан, менга бизнинг умумий тарихимиз зарбаларини ўзига қаратганлар тақсимлаб олган бахтсизлик ва умидлар юқини кучим ва имконим қадар зиммамга олиш мажбуриятини юклади.

Албер КАМЮ

Хабар ёзишни биладиган ижодкор роман ёзишни ҳам уд-далайди.

Эрнест ХЕМИНГУЭЙ

Ҳозирги пайтда трагедияни бахтсизлик, деб тушунишди. Қадимда қонунлар бошқача тушунишган. Трагедия кишига кўтаринки руҳ бағишлашини ҳис этишган. Бу турдаги асарлар таъсирида улар қўндалик тирикчиликнинг одатдаги майда таъшишларидан юқори туришган. Трагедия кишиларни эзгуликка йўллайди, деб ҳисоблашган. Зотан, чинакам санъат асари, қайси тур ва жанрда яратилганига қарамай, барча замонларда одамларга хушбахтлик бағишлайди.

Юджин О’НИЛ

Тўғри, ёзувчи оддийгина сўзларни ишлатади, лекин уларнинг ўзига яраша қанча қонунлари, қоидалари бор! Сўзларда у яратётган дунёларнинг юрак уруши эшитилади. Улар ёғоч каби, металл каби товуш чиқаради, ҳаранглайди. Улар товушларга тақлид қилади. Бизнинг ишимизда энг аввал мана шунини — товушга тақлидчи ҳисобга олиш лозим.

Мигел Анхел АСТУРИАС

МАЪНАВИЙ ҚАНОТ

Соғлом бола тарбиясида, унинг маънавий камолотида бадий адабиётнинг ҳам ўрни гоята муҳим. Зеро, адабиёт, таъбир жоиз бўлса, инсон руҳияти ва маънавиятини поклаб, сайқал берувчи заргар кабудир. Хусусан, болалар адабиёти, аллоҳа шoirларимиздан бири айтганидек, “олтин зина” бўлиб, болаларимизнинг камолот чўққилари сари кўтарилишига хизмат қилади. Мана, ярим асрдики, фидойи салафлари билан елкама-елка самарали қалам тебратиб келаётган зарбадист шoirлардан Турсунбой Адашбоев ушбу эзгу ишда камарбасталардан. Унинг сермазун ва серкирра ижоди адабиётшунослар томонидан ҳам тадқиқ этилиб, муносиб баҳолаган.

Яқинда “Академнаш” нашриётида адабиётшунослар Р.Баракаев ва Б.Ашуровнинг устоз шoir ижоди тадқиқи бағиш-

Китобдан яхши дўст бўлмас

ланган “Турсунбой Адашбоев феноменига бир назар” монографияси чоп этилди.

Рисолада шoirнинг ярим аср мобайнидаги ижоди уч босқичга: XX асрнинг 60-70-йиллари, XX асрнинг 80-йиллари ва иштилоқ даврига бўлинган ҳолда тадқиқ этилган. Бу изчил шoirнинг ижодий шаклланиш, ўсиш ва юксалиш жараёнини аниқ белгилаш имконини ҳам берган. Дарҳақиқат, истеъдод эгаси ижод майдонидаги илк қадамларини устозлар кўмағида таштайди. Чунончи Т.Адашбоев ўзбек болалар адабиётининг атоқли намояндалари Зафар Диёр, Султон Жўра ва Қудрат Ҳикматга эргашиб, улардан ўрганиб адабиётга кириб келгани китобнинг алоҳида бобида мисоллар ва қиёс қилиш орқали далиллаб кўрсатилган. Тадқиқотнинг “Ижодкор шеърларида аънавийлик ва бадий маҳорат муаммолари” бобида шoirнинг шаклланиши, хусусан, халқ оғзаки ижоди, жаҳон болалар адабиёти ва миллий болалар адабиётимиз пешқадамлари тажрибаларидан баҳра олиб яратган асарлари таҳлилга тортилган.

Т.Адашбоев ижодидаги Ватан ва табиат манзаралари тасвири ва маърифий-тарбиявий мавзулар талқини рисолада теран таҳлил этилган. Услубининг ўзига хосликлари бадий санъатлардан фойдаланиши, сўз қўллаш ва қофия яратишда моҳирлиги далиллар орқали алоҳида эътироф этилган. Хусусан, истиқлол даврида шoir Ватанини тўлиб-тошиб, меҳр, гурур билан қўйлади. Тадқиқотчилар унинг ҳар бир шеър ва сўз устида сабот ва мароқ билан ишлаши — ижодий тажрибаларини батафсил таҳлил этиб, илмий хулосалар чиқарган.

Дилшод РАЖАБОВ,
Гулноза ЖЎРАЕВА,
филология фанлари номзодлари

ИЛМий Ёндашган МАЪҚУЛ

нихоятда долзарб муаммони ёритишнинг кўзалари. Чунки ушбу грамматик белги биргина Навоий эмас, балки бутун ўзбек мумтоз адабиёти асарлари матнини ўрганиш, тушуниш ва тушунтиришнинг очиқ даражасидаги бадий-лисоний воясидадир. Лекин форс тили илмий назариясига асосланганларини учун ушбу муҳим ҳодиса қаноатланарли даражада шарҳланмаган.

Ғазал қофиясида келган “меҳрибоне”, “жоне”, “дилситоне”, “нишоне”, “гулситоне”, “но-тавоне”, “достоне”, “амоне”,


лозим эди. Мазкур тил ҳодисасининг номи ҳам “ё”и ваҳдат (ёки “ё”и нақира) тарзида нотўғри қўлланилган. Унинг тўғри номи — “йо-йи ваҳдат” ёки “йо-йи нақире” бўлиб, илмда айнан шундай ёзилиш шакли қабул қилинган. Мисол учун шу ҳодисанинг марҳум устоз Малик Абдусаматовнинг “Форс тили” дарслигидаги махсус таърифини келтирамиз: “Форс тилида бирор предмет ёки шахсининг бирликл ва ноаниқлигини кўрсатиш учун уларга ноаниқлик ва бирликл белгиси -йо қўшилди, -и деб талаффуз қилинади.

ўзбек адабиётшунослиги термини сифатида ягона шаклда қўлланилиши тақозо этилади. Бу ерда фақат шу ҳодиса форс грамматикасидагидек “-и” эмас, балки Навоий асарларида ва, умуман, ўзбек мумтоз адабиёти асарларида “-е” шаклида қўлланилганини таъкидлаш лозим эди, ҳолос. Куйидаги фикр ҳам илмий ҳақиқатга мувофиқ эмас: “Албатта, 5 жилдди “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” (2006—2008)да “-е” қўшимчаси бўлмайди, чунки бу эски тилимизга хос қўшимча, ҳозирги тилимизда эса

у истеъмолдан чиққан”. Амалда бу қўшимчани фақат эски ўзбек тилига хос, ҳозирги тилимизда истеъмолдан чиққан, деб хулоса чиқаришимизга ҳали эрта. Бирликл ва ноаниқлик -йо-йи ўзбек халқ тилида, жонли мулоқотда ҳамон учраб туради. Уни замонавий ёзма адабиётдан ҳам

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори

ГАНЧ МЎЪЖИЗАСИ



Куз фаслининг илк ҳафтасида Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган "Музейлар ҳафталиги"да ганч ўймакорлик санъати асосида безалган гумбаз ва устунлар эътиборимни тортди. Гумбазнинг ганч безакларини яратган усталар орасида мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида Ўзбекистон халқ устаси унвони билан тақдирланган ганчкор уста Ҳабибиддин Муродов ҳам бор.

зим. Хусусан, ёғоч ўймакорлигини ишлатилган чакич замин услубини ганч ўймакорлигига татбиқ этиш бу йўналишда муҳим янгилик бўлди. Бу усул аввал қўлланмаган эди.

Бугун ҳақиқий усталарнинг қадри янада ошди. "Хунарманду қосиблар кўпдир, бироқ моҳиру қобилиятлилар олдир (яъни уста кўпу, устаси олдир)", деган экан Замаҳшарий. Ганчкор усталар бинолардаги ганч безакларини оддийгина пичоқча билан ишлаганини тасаввур қилсангиз, уларнинг моҳирлиги-ю қобилиятига қўйил қоласиз. Бе-

жуда қийин. Илгари халқ усталари давлат томонидан қуриладиган биргина бино лойиҳасини йиллаб кутишарди. Бугун эса ҳар қадамда қад кўтарётган янги ишчи-усталар кўзингизни қувнатади. Соҳибқирон Амир Темурнинг "Кимда-ким куч-қудратимизга шубҳа қилса, биз қурдирган иморатларга боқсин", деган гапи ҳаётда тобора ўз тасдиғини топапти.

— **Одамнинг нимага кўп меҳнати сингса, ўша нарса сеvimли, азиз бўлади дейишди. Сиз бир эмас, бир неча биноларни безашда қатна-**


бириш биров энгил. Уста нақш солишда безакни ўзи ўйлаб топади. Аммо унинг барча нозик жиҳатларини яхши ўзлаштирган устасига ўзига хос ва бетакрор санъат асари ярато олади. Албатта, ганч ўймакорлиги санъати турли услубларга эга. Ундаги гуллар ёки новдаларнинг ўйиб, бўрттириб олиниши ва пардозланиши устанинг услубини белгилаб беради. Яъни бу устанинг дастхати ҳисобланади. Ҳар бир ижодкор мос чизилган табиятдан, борлиқдан илҳамланиб, кўзи билан кўриб, қўли билан чизгани каби, ганчкорлар ҳам ўз ижод маҳсулларини табиатдан илҳомланиб яратадилар. Ганчкорликда энг асосий-син пардоз ҳисобланади.

Албатта, ҳар қандай уста хунарини мерос қолдиришни ният қилиб ишланади. Ҳозир кўнглимизда энг катта ниятим оилавий сулолани шакллантириш, фарзандларимга хунаримни мерос қолдиришдир. Ўғлим Хайрулла Муродов касбимни давом эттирмоқда. Бир неча йиллардан буён мустақил тарзда турли иморатларда ганчкорлик ишларини бажариб келади. Янги иш бошлашдан олдин маслаҳат сўрайди. Жон деб ҳаётини тажрибаларим билан ўртоқлашаман. Қолаверса, ганчкорликнинг Тошкент мактаби аъёнлари нафақат оиламизда, балки юртимиз микросида ҳам давом этишини, шу йўналишда устоз-шогирд мактаби шаклланишини орзу қиламан.

Шу вақтга қадар озми-кўпми шогирдлар ҳам етиштирдим. Улардан Алишер Зиевуддин, Умар Муқимов, Мансур Муродов, Ҳожимурод Саидов каби ганчкорлар ўз услубларини мустақамлаш йўлида изланмоқдалар.

Бир неча йиллар давомиде республика Рассомлик коллежи, Дизайн коллежи ва "Баркамол авлод" болалар ижодиёти марказида ўқувчиларга ганчкорлик сир-асоратларини ўргатиб келдим. Ажабмас, улар орасидан ҳам шогирдларим сафи кўпайса! Яна бир истагим шунки, халқ амалий санъати турлари, хусусан, ганчкорлик ўзбек хонадонларига янада кенгрок кириб бора-син. Халқ амалий санъати билан безалган хонадонларда улғайган фарзандларимиз маданиятимиз дурдоналаридан бохабар бўлиб ўсадилар, дидларини ўсиб, аждодларига ҳурмат-эҳтирอมлари ортади, деб ўйлайман.

Муниса АЛИЕВА
суҳбатлашди



жизга уларни "қўли гул" дея таърифлашмайди-да.

— **Юртимиздаги кўп-лаб меъморий иншоотлар, маданият ва санъат саройлари миллий рух, шарқона услубда барпо этилмоқда. Мана шу бунёдкорлик ишларининг бевосита иштирокчиси сифатида амалий-безак санъати билан биноларни безашда қандай янгиликлар қўлланылган?**

— Истиклол йилларида бунёд этилаётган иншоотларда бир эмас, бир неча амалий санъат турларини бирлаштириб безак бериш урфга айланди. Масалан, биноларнинг эшик, дераза қисмлари безакларида ҳам ёғоч ўймакорлиги, ҳам қандорлик, ҳам наққошлик, ганчкорлик намуналари қўлланоқда. Шунингдек, бу жараён бир ёки иккита хунармандлик туринигина эмас, балки бир неча турларнинг бир-дай ривожланишига имкон бермоқда. Қолаверса, бундай ишлар давлатимиз томонидан халқ амалий санъатига катта эътибор берилаётгани натижасидир. Хунарманд қанчалик моҳир, истеъдодли бўлмасин, агар унинг ишига талаб бўлмаса, ҳақиқий уста бўлиб етишиши

шиб келяписиз. Айтинг-чи, қайси ишингиз сизга кўпроқ завқ бағишлайди?

— Ҳар қандай ижодкор уста баззан биргина бинони безаш учун ойлаб вақтини, кўз нури, қалб кўрини сарфлайди. Шу маънода, мен учун ҳам барча ишларим қадриятли. Темурийлар тарихи давлат музейида икки юздан зиёд усталар билан бирга музейнинг гумбаз қисми ва устунларини ганч ўймакорлиги билан безашда жуда завқланиб ишлаганман. Гумбаз нусхаси Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳрларидаги гумбазларни ўрганиш натижасида яратилган. Гумбаз муқарнаслар билан тугалланган. Ҳар бир муқарнас орасидаги наққошлар ишлаган нақшларга тилла суви юритилган. Ганч нақшлари заманига ранглар берилган. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, заманига ранг бериш услуби 90-йиллардан сўнг кириб келди. Музейдаги устунларнинг асос ва юқори қисмлари ҳам ганчдан иборат.

— **Ганчкорликда уста аҳамият бериши лозим бўлган асосий нарса нима? Аъёнлар давомийлиги ҳақида нима дея оласиз?**

— Ганч юмшоқ ва пишқик материал бўлгани учун унга ишлов

минг донга тўлақонли картинадан ташкил топган. Истеъдодли мусаввир қадим Шарқ афсоналарига мурожаат қилар экан, ранг-баранг қаҳрамонлар дунёсига йўл очади. Картинани Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган мамлакатлар тарихи, маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи ўзига хос ёдгорликка қиёслаш мумкин.

ЯПОНИЯЛИК ҚАДИМШУНОС САБОҚЛАРИ

Пойтахтимиздаги Икуо Хираяма маданият қарвонсаройида япониялик таниқли олим Хироаки Фурушо раҳбарлигида маҳорат дарслари бўлиб ўтди. Қадимшуносликнинг амалий масалаларига бағишланган тадбирда мамлакатимиздаги тадқиқот



Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

институтлари, илмий марказ ва музейларнинг ходимлари иштирок этди. Тадбир давомида жаҳон археологиясида кенг қўлланилаётган тадқиқот усуллари, уларни амалиётда қўллаш ҳақида сўз юритилди. Хусусан, малакали кадрларни тайёрлаш, экспонатларни асраш ва кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишнинг самарали йўлига алоҳида эътибор қаратилди.

Япониялик олим юртимизда тарихий меросни асраб-авайлашга кўрсатилаётган эътиборга юқори баҳо берди. Шунингдек, олим ёшларнинг тарихий ёдгорликларга бўлган қизиқишини ошириш, музейлар экспозициясини кенгайтириш, халқаро кўргазмалар ташкил этиш ўзбек қадимшунослари учун муҳим вазифага айланиши лозимлигини таъкидлади.

ЎЗБЕК КУЛОЛИ ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

Португалия пойтахти Лиссабонда "Vega-2014" халқаро кўргазмаси якунига етди. Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу нуфузли санъат анжуманида Германия, Франция, Исроил, Озарбойжон, Эрон, Туркия каби мамлакатлардан тўқсонга яқин ижодкорлар иштирок этди.



КЎҒИРЧОҚ БАЙРАМИ

Пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Соғлом бола йили"га бағишланган аънавий кўғирчоқ санъати байрами бўлиб ўтди. Бир неча йилдан буён мунтазам равишда мазкур боғда ўтказиб келинаётган ушбу байрамда Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган кўғирчоқсоз хунарманд усталар ҳамда ҳаваскорлик кўғирчоқ театрлари жамоалари фаол иштирок этмоқдалар. Тадбирларда "Устоз-шогирд" аънавалари асосида соҳа мутахассислари ва олимлар иштирокида амалий-услубий машғулотлар ҳамда маҳорат дарслари ўтказилди.

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда "Адолат" Социал-демократик партияси Тошкент шаҳар ва Олмазор туман кенгашилари ҳамкорлигида пойтахтимиздаги 100-мактаб-интернатда "Соғлом бола — юрт келажаги" мавзусида хайрия тадбири ўтказилди. Хайрия концертида она Ватанини, мустақилликни мадҳ этувчи кўй-қўшиқлар, созандаларнинг мо-

Байрамда санъатшунослик доктори, профессор Мухсин Қодиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, режиссёр Фатхулло Ҳўжаев, филология фанлари доктори, профессор Маматқул Жўраев, Санъат ва маданият институти кўғирчоқ театри актёрлиги кафедраси доценти Марям Ашурова каби соҳа мутахассислари иштирок этдилар. Республика кўғирчоқ театри актёрлари, Санъат ва маданият институти кўғирчоқ театри актёрлиги кафедраси ўқитувчи ва талабалари, Олмалик шаҳар "Аждарвой" ва Бекобод шаҳар халқ кўғирчоқ театрлари, Мансур Кўрөзов раҳбарлигидаги "Жайхун", Сирғали туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги "Карвон" халқ кўғирчоқ театрлари қатнашчилари болалар

Тадбир

учун спектакллар намойиш этди. Боғ ҳудудига "Хунарманд" уюшмаси ва Тошкент шаҳридаги "Баркамол авлод" болалар маркази қошида фаолият кўрсатаётган кўғирчоқ ясовчи тўғарак қатнашчилари ҳамда кўчонлик кўғирчоқсоз-хунарманд Шохсанам Худойбердиева ва шогирдларининг ижодий асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Шунингдек, таниқли санъатшунос олимлар, мутахассислар ва кўғирчоқ театрлари бадий раҳбарлари ҳамда актёрлар иштирокида "Кўғирчоқсозлик санъати ва давр" мавзусида мулоқот ва маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Одинахон ХОЛИҚОВА

Хайрия концерти

хирона чиқишлари болажонларнинг рақсларига улашиб кетди. "Ҳавас" гуруҳи, "Аънавий чолғулар ансамбли", ёш эстрада хонандалари Улуғбек Холиков, Гуласал Абдуллаева, Умидахон Ҳўжаева, саксафончи Кира Купрюхина ва бошқа


талабаларнинг чиқишлари тингловчиларга манзур бўлди. Тадбир давомида мактаб ўқувчилари ҳам ўзлари ёдлаган шеърлар ва куй-қўшиқлари билан иштирок этдилар.

Нурали ЭРКАЕВ

ЗАМОНЛАРНИ БОҒЛОВЧИ РИШТА

Пойтахтимиздаги Куролли кучлар музейида Бадий академия аъзоси, керамиччи рассом Дания Деденёванинг "Замонларни боғлайдиган сопол буюмлар" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди. Республика ва халқаро кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб келаётган Ф.Деденёва ҳозирги кунда ёшларга сабоқ бермоқда.

Кўргазмада ижодкорнинг миллий рух уфуриб турган элликтдан ортиқ асари намойиш этилмоқда. Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларимизнинг меъморий обидалари тасвирланган лаганлар, замонавий руҳда ишланган натюрморт, гуллар, атлас ва адрас нусхада ишланган чойнак-пиёлалар томошабиллар диққатини тортмоқда. Мусиқа мактаби ўқувчилари ихросидаги дилрабо куйлар тадбирга фойз бағишлади.



Кўргазма залларида

Бадий академиянинг кўргазмалар залида таниқли рассомлар, санъатшунослар ва талабалар иштирокида "Юртимиз ёшлари" деб номланган аънавий кўргазманинг якунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Экспозициядан ўрин олган уч юз элликтдан зиёд тасвирий ва амалий санъатнинг турли йўналишларига доир асарлар муҳокамасида сўзга чиққан мутахассислар, рассомлар ва талабалар ижодкорларнинг ранг ва мавзу

танлаш ҳамда ишлаш маҳорати борасида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ҳафта мобайнида ёшларнинг ижод намуналарини йўналишлар

ИСТЕЪДОДЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

бўйича бўлимларга бўлиб, таълил қилган ҳакамлар ҳайъати ўз хулосаларини эълон қилди. Ёш ижодкорлардан Гулшода Омонова каштачиликда аъёнлар давомийлигини сақлагани,

Нормурод Нейматов ҳайкалтарошлиқда ўзига хос шакллар уйғунлигига эришгани, Бахтиёр Серекеев рангтасвирда ўз қарашлари моҳиятини аниқ очиб бергани учун академия дипломи билан тақдирланиб, Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Ўқтам Исирганов, Яна Пучковская, Абдуғафур Исоналиев, Малика Жўраева, Сарвиноз Қосимова, Моҳиюр Мухаммадов, Анастасия Никитина, Рашид Алибоевларнинг ишлари академия дипломига сазовор бўлди.

Чаман АРОМОВА

НОЁБ КАРТИНА ТОШКЕНТДА



Мусаввир Леким Иброҳимовнинг Европада катта шўҳрат қозонган "Бир картина ва минг фаришта" номи асари санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди. Тасвирий санъат тарихидаги улкан полотнолардан бири сифатида эътироф этилган мазкур ижод намунасининг тақдироти Чехия пойтахти Прагада бўлиб ўтган. Қарийб икки йил давом этган халқаро кўргазмалардан сўнг картина пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" павилонига намойиш этилмоқда.

Муҳлисларни, аввало, картинанинг катта ҳажми ҳайратқа солиши шубҳасиз. Беш юз йигирма саккиз квадрат метр катталиқдаги ушбу тасвирий санъат асари ролпа-роса

ИТАЛЯН ОПЕРАСИ ТАНЛОВИ

Шу йилнинг ноябр ойида пойтахтимизда илк бора италян операси ижрочиларининг халқаро танлови ташкил этилади. "Competizione dell'opera" номи билан шўҳрат қозонган ижодий беллашув шу кунга қадар дунёнинг турли мамлакатларидан ўн уч мартаба ўтказилган. Пойтахтимизда бўлиб ўтадиган ўн тўртинчи танлов италян операсининг кўп-лаб машҳур ижрочиларини жамлаши кутилмоқда.

"Competizione dell'opera"нинг якуний босқичи 27 ноябрда "Туркистон" саройида ўтказилади. Танлов фойдалари ва соғирдорлари иштирокидаги гала-концерт 29 ноябр кuni "Ўзбекистон" анжуманлар саройида бўлиб ўтади.



ПЕШОҒОР МЎЪЖИЗАЛАРИ



Зоминнинг қадимий ер ости обидаси — Пешоғор Моргузар тоғ тизмаларида жойлашган, теварак-атрофи баланд қоялардан иборат мўъжизаларга бой ғор ҳисобланади. Маълумки, "пеш" форсча — "олди", "олд томони", демак "пешоғор" — "ғор олди" маъноларини англатади. Ғорнинг нафақат ички кўриниши, балки олд томони, атрофи ҳам гўзал манзарага эга.

Тоғ тизмалари бўйлаб юқорига кўтариларканмиз, уловни пастда қолдириб чамаси бир қақиримлик йўлни пиёда босиб ўтишимизга тўғри келди. Кўнглимизда бироз ҳадик ва хавотир бўлса-да ҳайрат ва қизиқишимиз устун келиб юқорилаб борардик. Ниҳоят, маҳсул зиналардан кўтарилди-кўтарилди афсона ва ривоятлар силсиласи яширинган ғорга етиб келдик. Теварак-атрофи харсангтош,

шоҳ-шабба ва йирик бутазорлардан иборат баланд тепалик остидаги катта ғорнинг тубсиз ички йўллари неча-неча асрлар илгари вулқон ва оҳақтошлар емирилишидан вужудга келган. Бу ердан сайёҳларнинг қадами узилмайдиган, деганлари рост экан. Шу кунги ғор атрофида Франция, Швеция, Малайзиядан келган сайёҳларни ҳам учратдик.

Бу жойни яхши биладиган кишилар етакчилигида тор ва кичик туйнук орқали ғорга тушдик. Ички йўл бўйлаб борарканмиз, қаршимизда турфа ранглар жилоси намоён бўлди.

Оҳақтош қатлами яхлит кўринишда эканлигидан деворларга худди сайқал берилгандек, атайлаб нақш чизилгандек таассурот қолдиради кишида. Қизиги, шифтда ўргимчак тўрлари шу қадар кўпки, улар ажиб, ғаройиб манзара ҳосил қилган. Худди қават-қават иплардан тўқилган наमत парчаларини эслатади. Бу эса сизда ерости йўлағида эмас, балки санъаткорона яратилган музейда юргандек таассурот қолдиради.

Ғор девори шифтларида сон-саноксиз кўршалакларга кўзимиз тушди. Улар зимистондаги уяларини адашмай топиб келишган ва шифтга осилганча хатардан ҳоли яшарди. Беозор жониворлар ташқаридаги узун тумшуқли калта, савсан ва шу каби йиртқич қушларни чалғитиш учун зич халқа ҳосил қилиб олишган. Кўршалаклар кўлимиздаги чироқ ёруғида ғалати товуш чиқариб безовталана бошлашди. Бу ерда турли капалак, суварак, ялтироқ курт ҳамда ер устида учрамайдиган ҳашарот-

ларлар ҳам беҳисоб экан.

Ғор ичкараси томон одимлар-канмиз, борган сари ёруғлик камайиб бутунлай қоронғилик қўйнида қолдик. Ҳайрат ва қизиқишимиз устун келиб ҳамжихатликда машъала ёрдамида йўлда давом этарканмиз, ғор саҳни кенгайиб борар, уч-тўрт одим олдинни кўриб бўлмасди. Адашиб кетмаслик учун арқондан фойдаланишни ҳам унутмадик. Айрим йўлақлар худди

лашганда машъала ёрдамида ҳаракатландик. Ортга қайтаётганда йўл азоби ва синовлардан нолиш ҳаёлимизга келгани йўқ. Қолаверса, бундай саёҳатнинг ўзгача гаши бор-да.

Ғор ичкарасидаги кўршалаклар қоронғилик тушиши билан тор туйнук орқали чарх уриб осмонга кўтарилишди. Бу сут эмизувчи жониворлар шу қадр очкўзки, йўлида дуч келган ҳашоратни қириб ботиради.

Ичига ўттиз мингдан зиёд одам сирадиган бу ғор неча йиллар давомида ёв йўлига мустаҳкам тўсиқ вазиёсини ҳам ўтаган.

Тарихий маълумотларга қараганда, XII асрнинг 70-йилларида яшаган Али ибн Умархонни ёв қувиб кетаётганида тўриқ оти билан шу ғорга яшириниб жон сақлаган экан. Бу зот кейинчалик ғор теварак-атрофига бир қанча кўчат экиб, уларни парваришлаганга эътибор қаратибди. Йиллар ўтиши билан ниҳоллар кўкка бўй чўзиб, атроф дов-даракхга бурканибди. Темирийлар авлодидан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳам бу жойда босиб ўтган табаррук излари бор...

Қайтишимизда Зомин тумани марказида жойлашган ўлкашунослик музейига кириб ўтдик. Музейда сополдан ясалган коса, пиёла, кўза каби кўплаб уй-рўзгор буюмлари, ҳар хил ҳуштак ва совғабоп ҳайкалча-лар ҳамда мисдан зарб этилган тангалар, 500 га яқин экспонатлар намойишга қўйилган. Уларни томоша қиларканмиз, IX-XII асрларда ҳам мамлакатимизда ҳунармандчилик ва зироатчилик юксалганини, бу бебаҳо меросини асраб-авайлаш лозимлигини англадик.

Абдулла САИДОВ

Болалар бекати

ДЎСТ БЎЛДИМ

Сотиб олдим бир китоб,
Очиб ўқисам шу тоб —
Қадида қанча жумбоқ,
Эртақ, мақол, топишмоқ.
Ҳар саҳифа сўзлайди,
Ёруғ йўлни кўзлайди.
Жудаям қилдим ҳузур,
Хатом кўп экан, узр.
Шу-шу қачон бўш бўлдим,
Китоб билан дўст бўлдим.

ЧУМОЛИ

Ёзни ҳеч ёз демайди,
Бироз дамин олмайди.
Ташмалайди, тинмайди,
Чарчаш нима билмайди.

Қиш ғамини ёзда ер,
Меҳнатсевар чумоли.
Йиғар дон-увюқларни,
Тутмасин, деб уволи.

ДАРАХТНИНГ ДЕГАНИ

Эшик, бешик ромга дер,
Тандир, ўчоқ, томга дер.
Болта тегса танамга,
Бағрим жуда зирқирай.
Илдизга мен боғлиқман,
Озордан мен доғлиқман.

ЯХШИ

Минг бир ёлгон жавобдан,
Рост бир сўроқ яхшидур.
Тўппа-тўғри қиличдан,
Эгри ўроқ яхшидур.

Мадинабону САИДОВА

"ОШИҒИ КЎП, ЛЕКИН СУЛУВМАС"

Шеърӣ топишмоқлар

Оғир оёқ аёлдай,
Икки кокили ёлдай.
Коккилига бармоғим,
Тегса сўзлари — болдай. (.....)

Ўзи битта минглаб жисмда туғилар,
Ҳафтада бир, бир хил исмда туғилар. (.....)

Баҳорда порлар Ой у,
Умри қисқа чирой у. (.....)

Қайда олов кўрса чопар,
Шапалоқ еб, обрў топар. (.....)

Сичқон думига ўхшар ва лекин у ниш эмас,
Бир зум ўнлаб ковакка кириш унга ниш эмас. (... ..)

Уч, тўрт, беш гўзал,
Бир-бирига эш гўзал.

Совчи келса аямай,
Бармоғини теш, гўзал. (.....)

Тўқилади, бироқ у сувмас,
Қуш эмасу кўшлардан ошар.
Ошиғи кўп, лекин сулувмас,
Ҳамма унга етмоққа шошар. (.....)

Аслида у матодир,
Мато дейиш хатодир.
Ҳар миллату элатта,
У тақдирдан атодир. (.....)

Ботир ЭРҒАШЕВ

Топишмоқларнинг жавобини тахририятга қуйидаги телефон рақами орқали билдиришингиз ҳам мумкин: 233-58-60.

2014 йилги Нобел мукофоти совриндорлари

Швед академиясининг мукофотлар бўйича доимий котиби Петер Энглунднинг хабар беришича, таъкид Француз адаби Патрик Модино адабиёт бўйича 2014 йилги Нобел мукофоти совриндори бўлган. Мукофот адибга инсон тақдирини мураккаб жараёнларни тасвирлашга доир адаблик санъати, оккупация ҳудудларидаги ҳаётни тўлақонли акс эттиргани учун берилган. Швед академияси ёзувчини "Бизнинг Марсел Прустиниз", деб атаган. Модино 1945 йили Франция жанубида туғилган. 1968 йили "Юлдуз майдони" романи чоп этилган. Асарлари асосида бадий филмлар суратга олинган. "Дора Брюдер", "Зулматдаги расталар кўчаси", "Бой берилган дунё", "Асал ойидаги саёҳат" каби асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

Электр қувватини тежайдиган янги ёруғлик диодларини яратганлари учун уч япон олими — Исаму Акасаки, Хироши Аmano (Нагоя ва Мейжонг Университетлари) ҳамда Шужи Накамура (Айхонг Университети) физика бўйича 2014 йилги Нобел мукофоти совриндорлари бўлишди. Бу ҳақда Стокгольмнинг Каролина университетидан Нобел мукофоти қўмитаси хабар тарқатди. Мукофот уларга "яшил ёруғлик диодлар ва электр қувватини тежовчи ёруғлик манбаларини яратганлари учун" бе-

рилган. Олимлар яшил ёруғлик диодлардан фойдаланиб яратган оқ шуъла таратувчи электр чироқлардан узоқ вақт тежамли фойдаланиш мумкин.

Физиология ва тиббиёт соҳаси бўйича 2014 йилги Нобел мукофоти эса эр-хотин Май-Бритт ва Эдвард Мозер ҳамда Жон О'Киф сазовор бўлишди. Улар одам бош миёсидидаги мўлжал олиш тизимини бошқарадиган асаб ҳужайраларини кашф этганлари учун юксак жаҳоний мукофотга лойиқ топилди. "Бу кашфиёт одам бош миёсаси асаб ҳужайралари нақадар мураккаб интеллектуал жараёнларни амалга оширишини намоён этди", дея ихоз беради Нобел мукофоти қўмитаси. Жон О'Киф АҚШ ва Буюк Британия фуқароси бўлиб, Лондондаги университет коллежиде сабоқ беради. Май-Бритт ва Эдвард Мозер эса норвегиялик. Улар Норвегиянинг Тронхейм техника ва табиий фанлар университетиде фаолият олиб боришади.

2014 йилги Нобел мукофоти жамаи 263 номзод кўрсатилган. Совриндорларга диплом ва олтин медал берилади. Мукофот миқдори эса бу йил 8 миллион швед кронаси (1,1 миллион доллар)ни ташкил этади.

Мукофотларни топишириш маросими аънамага кўра, Стокгольм шаҳрида Алфред Нобел туғилган 10 декабр кунини бўлиб ўтади.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

Эзгуликни кўйлаган шоир

Атоқли грузин шоири ва давлат арбоби, янги грузин тили асосчиси Шота Руставели тахминан 1160-1166 йилларда Жанубий Грузияда туғилган. Шоир Грузияда Тамара (1184-1213) ва унинг эри Давид Сослан хукмронлиги даврида давлат хизматида фаолият олиб борган. Ш.Руставели "Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон" дostonи жаҳон адабиёти дурдоналаридан ҳисобланади. Унда ижтимоий, ахлоқий масалалар шоирнинг юксак идеаллари ифодаси сифатида талқин этилган. Шоир қаҳрамонлик, чин инсоний муҳаббат, олийҳимматлик ва покликни улғулайди, адолатсизликни қоралайди. Асарда халқлар дўстлиги, аёлларга хос беғубор инсоний фазилатлар тараннум этилган. Достон қаҳрамонлари бахт ва адолат тантанаси учун курашадилар. Шота Руставели 1216 йили вафот этган.

Шоир достон ва ҳикматларида шахс эркинлиги, фикр ва туйғулар ҳурлигини қуйлаган. Қадимий миллий маданият, халқ оғзаки ижодининг энг яхши аъёнларини ўзлаштириб, грузин шеърятини юқори поғонага кўтарган. Шота Руставелининг поэтик нутқи мажозийлиги, ҳикматларга бойлиги билан ажралиб туради. "Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон" 1959 йили атоқли шоирларимиз Миртемир ва Максуд Шайхзода ҳамкорлигида ўзбек тилига ўғирилган. Тошкентнинг марказий кўчаларидан бири Шота Руставели номи билан аталади. Шу кўчада шоирга ёдгорлик ҳайкали ҳам қўйилган.

"Ғаршталар уйи"

Замонавий француз адаби Паскаль Брюкнер "Илохий гўдак", "Гўзаллик ўғрилари", "Ҳасратли ой", "Мантисиз ишқ" каби роман ва қиссалари билан китобхонларга маълум. Брюкнер француз классик эссеонлигини давом эттирган ҳолда ҳар бир асариде замонавий тамаддун муаммоларини тилга олади. 1948 йили насронийлар оиласиде таваллуд топган адибнинг болалиги Австрия, Швейцария ва Франция оралиғиде кечган. У Лион лицейлари ва Парижнинг нуфузли университетларида таҳсил олган. Ролан Барт раҳбарлиғиде Шарл Фурье утопиқ назариясига доир докторлик диссертацияси ҳимоя қилган. АҚШ ва Париж университетларида фаолият олиб борган. Ҳозир Париж сиёсий тадқиқотлар институтиде сабоқ бериб, француз либералларининг журналлари билан ҳамкорлик қилади. Асарлари асосиде бадий филмлар суратга олинган. 2001 йили Фрация академияси мукофоти билан тақдирланган. П.Брюкнернинг яқинда чоп этилган "Ғаршталар уйи" романи одамлар орасидеги ҳамдардик ва раҳмшафқат ҳисси муҳиятини таҳлил этишга бағишланган. Адиб сиртдан ялтироқ бўлиб кўринган манзаралар замиридаги кўзга кўринмас тубаникларни ўзига хос фалсафий юмр билан фoш этади.

Жорж Бернанос башорати

Жорж Бернанос (1888-1948) XX асрнинг энг йирик француз адибларидан бири бўлиб, иккинчи жаҳон урушидан сўнг у роман ва қиссалар ёзишдан бутунлай воз кечиб, асосан, публицистикага мувожаат қилган. Жаҳоннинг нуфузли газеталаридаги чиқишлари унинг обрў-этиборини ниҳоятда оширган. 1945 йил 28 июнда генерал де Голлининг шахсан қатъият билан қилган чорловига жавобан адиб Бразилиядаги саккиз йиллик муҳожирликдан сўнг ватанига қайтди. "Озодлик... нима учун эди?" деб номланган публицистик китобига адибнинг 1946-1947 йилларда Франция, Швейцария ва Жапондаги чиқишлари матни киритилган. Машҳур адибнинг бу китоби фашизмга қарши курашдан, Хиросима ва Нагасакидаги атом бомбалари портлашидан кейин Европа ва жаҳондаги тараққиёт истиқболлари ва унинг маънавий-руҳий муаммоларига бағишланган. Қатъий фуқаролик позициясига амал қилган адиб дунёнинг замонавий муаммоларига китобхон эътиборини жалб этган. Техниканинг ҳадсиз тараққиёти туфайли инсоният моддий манфаатларга тобе бўлиш ва маънавий эҳтиёжлардан юз ўгириш орқали ихтиёрий равишдаги қўллик ва ўз-ўзини йўқ қилиш йўлини танлади, дея қуюнган. Жорж Бернаноснинг ушбу башорати бугун, айниқса, долзарб мазмун-муҳият касб этаётгани учун ҳам адибнинг публицистик китоблари бугун жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилиниб, қайта-қайта чоп этилмоқда.

Ўспаран шоирга эҳтиром

Таникли адиб Константин Паустовский Михаил Лермонтовни "Саҳрода сарф этилган қалб харорати ҳақида қуйлашга улгурган ўспарин йигит", дея таърифлаганди. Албатта, шоир ижодида берилган бу юксак баҳо бежиз эмас. Унинг бетакрор шеърятини ҳануз мухлислари ҳайратга солиб келаётир. Шу кунларда оташин шоир таваллудининг 200 йиллиги кенг нишонланмоқда. 2 октябр кунини Шотландиянинг Холируд саройида Шотландия парламенти депутаты Мэри Скэнлон томонидан шу муносабат билан тантанали анжуман ўтказилди. Мутахассислар шоирнинг биографияси ҳамда тадқиқотларни ўрганиш жараёнида унинг ижодида шотланд аждодлари ҳамда Лермонтовга замондош шотланд шоирлари ижоди қандай таъсир кўрсатганини ҳам муҳокама этишди. Тадбир доирасиде конференция учун Лермонтов ижоди оҳанглари бўйича маҳсул буюртма асосиде яратилган асарлар кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди. Кўргазма Эдинбургда ҳам намойиш этилиб, анжуманнинг тантанали ёпилиш маросимиде Мусоргский, Римский-Корсаков, Балакирев, Чайковский каби машҳур композиторлар асарлари янгради.

Михаил Лермонтовнинг шеър ва достонлари атоқли шоирларимиз Миртемир, Зулфия, Рамз Бобожон, Марасул Бобоев ва бошқа шоирлар томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

“O‘ZBEKKINO” МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ “5-ЁШЛАР ТАЖРИБА” СТУДИЯСИ “ЗУМРАША” ЮМОРИСТИК КИНОЖУРНАЛИ УЧУН АДАБИЙ СЦЕНАРИЙЛАР ТАНЛОВИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

“Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “O‘zbekkino” миллий агентлиги буюртмасига кўра “5-Ёшлар тажриба” студияси томонидан болаларга мўлжалланган қисқа метражли юмористик киножурналлар ишлаб чиқарилмоқда.

“O‘zbekkino” миллий агентлиги

“Зумраша” юмористик киножурнали учун адабий сценарийлар қабул қилишни давом эттиради.

Болалар ҳаётидан олинган қўлгили воқеалар 2-3 қоғозда қисқа ва лўнда ифодаланган бўлиши лозим. Қаламга олинган воқеалар тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши керак. Топширилган сценарийларга тақриз берилмайди ҳамда муаллифларга қайтарилмайди.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси 1-уй, “O‘zbekfilm” киностудияси. Қўшимча маълумотлар учун телефон: 245-32-51.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”
АКЦИЈДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
Слайид



Тахририятга келган кўйеъмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Азиз ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топириш вақти — 20.00. Босишга топирилиши — 20.00

Газета “Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йили 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адаби — 4616 Буюртма Г — 1057. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.



СОТЎВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2183-614X

